Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
2009 йил, **18** декабрь, жума № **51** (2334). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, **18** декабря, **2009** год, № **51** (2334). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

БИЗ ҲЕЧ ҚАЧОН ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАНМИЗ ВА ЭЗГУ МАҚСАД-МУДДАОМИЗ БЎЛМИШ ЭРКИН, ОЗОД ВА ОБОД ҲАЁТ БУНЁД ЭТИШДА ҲАМ ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙМИЗ.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон — Туркманистон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 13-14 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон ва Туркманистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар бир-бирига боғлаб туради. Ўзбек ва туркман азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб, тўй-томошаларида меҳмон бўлиб келади. Аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси ҳам халқларимизнинг умумий мулки саналади. Ўзбекистонда Маҳтумқули, Туркманистонда Алишер Навоий асарлари кириб бормаган хонадон йўқ, деса бўлади.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан кейин анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожлана бошлади. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам бирдек манфаатдор. Бу муштарак манфаатдорлик олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам тус олишига асос бўлди. Ўзбекистон Президенти 2007 йилда Туркманистонга, 2008 ва 2009 йилларда Туркманистон раҳбари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу гал Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ашхободда учрашдилар.

Туркманистон Президентининг саройида 13 декабрь куни давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Ф А Р М О Й И Ш И

«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, XXI аср – интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида ва 2010 йил Ўзбекистон Республикасида "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан:


1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) бир ой муддатда вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда "Баркамол авлод йили" Дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. Дастурда ҳар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошқа тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир қаторда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича энг муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилсин:

болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

(Давоми 2-бетда).



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Кучли, қудратлимиз билим, маҳорат билан

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 14 декабрь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди. Мажлисда оммавий ахборот воситалари, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловларни баҳолаш бўйича миссияси вакиллари иштирок этди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу муносабат билан мажлисда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашувчи кузатувчиларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилотидан кузатувчилар миссиялари, шунингдек, 36 давлатдан, жумладан, Австрия, Бельгия, Венгрия, Буюк Британия, Германия, Греция, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Испания, Италия, Индонезия, ХХР, Кувайт, Латвия, Малайзия, Голландия, БАА, Покистон, Польша, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Словакия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Япония ва бошқа мамлакатлардан кузатувчилар рўйхатга олинди. Бўлажак сайловда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардан 250 дан ортиқ вакил рўйхатга олинди.

Мажлисда сайлов қонунчилигининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун тенг шарт-шароит яратишга оид талабларига риоя қилиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу жараён "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун ва Марказий сайлов комиссиясининг тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига биноан тартибга солинади. Ушбу масала юзасидан ҳам Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).


3 ҲАРБИЙ ҚИСМ САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА
ҲАР СОҲАДА ФАОЛ ПОСБОНЛАР


5 МАҲОРАТ
КУРСАНТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ


8 ОИЛА ГУЛШАНИ
НУРЛИ ХОНАДОН


22 СПОРТ
УЧ БОРА ЗАБТ ЭТИЛГАН ДОВОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Ф А Р М О Й И Ш И

«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

энг аввало, соғлом наслни, "Соғлом она – соғлом бола" дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактик соғлиқни сақлашни устувор даражада ривожлантириш, тиббиёт хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иштиёқини шакллантириш;

ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб этилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогика технологияларини, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакат мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларида, олий таълим муассасаларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш;

нафақат мактабларда, лицейларда, коллеж ва олий таълим муассасаларида, балки ҳар бир оиланинг ҳаётида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, Интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш;

ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спорти соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқичма-босқич кучайтириш, янги спорт комплекслари, стадионлар, иншоотлар қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш;

таркибий (техник ҳамда технологик) ўзгартиришларнинг энг муҳим йўналиши, аҳоли даромадлари ва мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш асоси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, айниқса, қишлоқ жойларда ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;

илм-фанни янада ривожлантириш, талантли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш учун шароит яратиш, улар томонидан ўзларининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш, жумладан, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш махсус жамғармасини ташкил этиш, Фанлар академияси ва мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида илғор, истиқболли илмий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш учун янги лабораториялар яратиш, хорижий илмий марказлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёш оилаларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлган фарзандлар шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустаҳкам оилани қуриш учун зарур шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан «оммавий маданият»нинг турли иллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 9 декабрь

Ўзбекистон – Туркманистон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосидаги икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янада юқори поғоналарга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда икки томонлама алоқалар 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари бу муносабатлар кўламини янада кенгайтириш, янги мазмун билан бойитиш учун барча имкониятлар етарли эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаши, минтақавий таҳдидларнинг олдини олиш масаласига ёндашувларнинг мослиги сиёсий соҳада мамлакатларимизни ўзаро яқинлаштирадиган муҳим жиҳатлардир. Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам терроризм, диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчилик, қуроляроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш зарур, деган нуқтаи назарни ёқлайди. Мамлакатларимиз минтақавий интеграцияни ривожлантириш Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, янада изчил тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили деб ҳисоблайди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехник иншоотлар барпо этиш чоғида минтақанинг барча мамлакатлари билан маслаҳатлашиш, мустақил халқаро экспертларнинг хулосасини олиш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, аввало, Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам энергия манбаларининг йирик конлари мавжуд эканини, нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан шериклик алоқалари кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Туркманистон – Ўзбекистон – Қозоғистон – Хитой газ қувури бунинг ёрқин тасдиғидир.

Бундай лойиҳалар негизида нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам мужассам. Қувур тортиш чоғида унинг теварагида инфратузилма барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилади. Янги қувурлар мамлакатларимизнинг транзит салоҳиятини оширади.

Транзит деганда, кейинги гап ўз-ўзидан транспорт соҳасига бориб тақалади. Транспорт коммуникациялари Ўзбекистон – Туркманистон иқтисодий ҳамкорлигининг яна бир муҳим бўғинидир. Айни пайтда Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркманистонга, Туркманистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга катта миқдорда юк ташилади. Бундан ташқари, мамлакатларимиз учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтайди.

Президентлар музокарани Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон табиий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Туркманистондан Хитойга тортилган газ қувури ҳамкорлик имкониятлари ўз вақтида ва тўғри ишга солинаётганини кўрсатади. Биргаликда сармоя жалб этиш, йирик халқаро консорциумлар тузиш орқали Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам нефть-газ соҳасида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бу нефть-газ саноати келтирадиган даромадни бир неча ҳисса ошириш имконини беради. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркманистонга сиёсий ва гуманитар манфаат ҳам келтиради. Чунки бу орқали ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади, янги иш ўринлари, янги инфратузилма иншоотлари барпо этилади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркманистон халқаро транзит юк ташиш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилига мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган Ўзбекистон ва Туркманистонга тегишли экспорт-импорт юклари ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннага етади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, эндиликда Ўзбекистоннинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига Туркманистон сармояси ва ишбилармонларини жалб этиш имконияти пайдо бўлди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги ҳам устувор соҳалардан ҳисобланади. Ўзбекистондан Туркманистонга пахта териш машиналари, тракторлар, прицеплар, минерал ўғитлар етказиб бериш ҳажмини ошириш ҳам икки томон учун фойдалидир. Гурбангули Бердимуҳамедовнинг 2008 йилдаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида агросаноат мажмуи соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди.

Дунёда энг сердаромад соҳалардан бирига айланиб бораётган сайёҳлик ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳлар алмашувини ривожлантиришга, халқ ҳунармандлиги буюмларини тайёрловчи усталарнинг меҳнатини рағбатлантириш ва даромадини оширишга, сайёҳлар жалб қилишга, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркманистон, Туркманистонга келган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин ҳозирланади.

Ўзбекистон Туркманистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шиша ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотларини экспорт қилади. Туркманистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, минерал моддалар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. Албатта, икки томонлама савдодаги товарлар рўйхати бундан анча катта. Сўнгги икки йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд ошди.

Фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш ва ривожлантириш Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия зиммасига юкланган. Сўнгги йилларда Президентлар ташаббуси билан ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Тошкентда ва Ашхободда икки мамлакатнинг миллий кўргазмалари ташкил қилинди.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг маданият ва санъат намояндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестиваль, кўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Хусусан, туркманистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон – Туркманистон қўшма баёноти ҳамда фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқаролар учун енгиллаштирилган тартиб тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон–Туркманистон қўшма комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 2010-2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

– Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда, – деди Ислом Каримов. – Сўнгги йилларда айниқса иқтисодий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Кейинги икки йил давомида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд юксалгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

– Биз Ўзбекистон билан муносабатларни юксак қадрлаймиз, мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги ҳам миллий тараққиёт, ҳам минтақавий ва халқаро ривожланиш тамойилларига асосланади, – деди Гурбангули Бердимуҳамедов.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманобод шаҳрида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан бирга тўрт мамлакат ҳудудидан ўтувчи халқаро газ қувурини фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

Бу йирик лойиҳа Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар кўп томонлама ҳамкорлик доирасида ҳам изчил ривожланиб бораётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ашхобод сафари асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Музокарада икки томонлама муносабатлар 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

– Биз Хитой раҳбари билан ҳар бир учрашувни ҳамда ушбу мамлакат билан ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлаймиз, – деди Ислом Каримов. – Ўзбекистон Хитойни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан бири, деб билади.

– Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жорий йил июнь ойида бўлган Екатеринбург саммити доирасида ўтказилган учрашувимиз гоят самарали бўлди, – деди Ху Цзиньтао. – Ўзаро ҳамкорлик борасида мамлакатларимиз сўнгги ярим йил давомида катта ютуқларга эришди.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президентининг Туркманистонга расмий ташрифи ҳар жиҳатдан самарали бўлиб, ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиздир. Ислом Каримовнинг ташрифи Туркманистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Ашхобод – Туркманобод – Тошкент.

ЖАРАЁН

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ўйланган барча режаларни амалга оширадиган ва кўзланган мақсадларни рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз эканлигини алоҳида таъкидлади. Мана шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари 2010 йилни мамлакатимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари томонидан шу йил 11 декабрь куни Гулистон шаҳрида БМТнинг Техник ва ҳунар таълими тўғрисидаги конвенциясининг Сирдарё вилояти қишлоқ туманларида ижро этилишини ўрганишга бағишланган қўшма мажлис ўтказилди.

Ушбу Конвенция 1989 йил 10 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош Конференциясининг 25-сессиясида қабул қилинган. Конвенция техникавий ва ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашишга, шунингдек, барча аҳоли гуруҳлари таълим олиши учун тенг шароитлар яратиш ишида халқаро ҳамкорлик қилишга ҳамда техникавий ва ҳунар таълими соҳасида тажриба алмашишга йўналтирилган. Ўзбекистон мазкур Конвенцияга 1997 йил 30 августда қўшилган.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг қўшма мажлисида қайд этиб ўтилганидек, Сирдарё вилоятида Техникавий ва ҳунар таълими тўғрисидаги конвенциянинг асосий қоидаларини ўзида акс эттирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Вилоятда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини махсус тайёрланган юқори малакали педагог кадрлар билан тўлдиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўйилган вазифани амалга ошириш мақсадида жойларда мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқлари эҳтиёжи учун ёш мутахассисларни тайёрлаши керак бўладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини барпо этиш ва уларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда сифатли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишни таъминлайдиган ривожланган инфратузилма яратилган – 48 та касб-ҳунар коллежи ва 4 та академик лицей ишлаб турибди. Уларда 83 та мутахассислик бўйича 40 мингдан ортиқ ўқувчи ўқимоқда, уларнинг деярли ярмини қизлар ташкил этади.

Мажлис асносида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги қарори билан тасдиқланган 2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурини Сирдарё вилоятида ижро этиш юзасидан қилинган ишлар ҳақида тегишли ташкилотлар ва идораларнинг ҳисоботлари тингланди.

Муҳокама якунлари бўйича қабул қилинган қарорда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, улар доимий комиссияларининг бу йўналишдаги фаолиятини кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Семинарда сенаторлар, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари раислари, ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА).

Ҳарбий қисм сайлов участкасида

ҲАР СОҲАДА ФАОЛ ПОСБОНЛАР

Шу кунларда юртимизнинг барча гўшаларида муҳим сиёсий жараён – умумхалқ сайловларига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Мазкур жараёндан ҳарбий қисм ва муассасалардаги участка сайлов комиссиялари фаолияти ҳам мустасно эмас.

Офицер Абдуқодир Абдуфаттоев хизмат қилаётган ҳарбий қисм сайлов участкасидамиз. Бу ерда жойлашган сайлов участкасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар ишчи-хизматчилари халқ вакилларини сайлашда иштирок этиб, овоз берадилар. Умумхалқ тадбирини юқори савияда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар кўнгилдагидек ташкил этилгани бир қарагандаёқ кўзга ташланади. Жумладан, ахборот бурчагида зарур ўқув адабиётлари, кўргазмали воситалар ва вақтли матбуот нашрлари тартиб билан жойлаштирилган. Сайловчилар бу ерда бемалол ўзларини қизиқтирган маълумотларни олишлари, ўқиб-ўрганишлари мумкин. Сайлов билан боғлиқ маълумотлар айниқса, ушбу жараёнда илк бор иштирок этаётган муддатли ҳарбий хизматчиларга яқиндан ёрдам бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.


– Ҳарбий қисм сайлов участкасида муҳим сиёсий кампанияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва шу асосда иш олиб борилаяпти, – дейди офицер Уйғун Амонов. – Сайлов участкасида етарли даражада билим ва тажрибага эга бўлган тарбиявий ишлар органлари офицерлари навбатчилик қилишади. Уларга ҳудудий, округ ва Марказий сайлов комиссияларидан олинган барча янгиликлар тезда етказилади. Чунки бу борада пухта ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Айни пайтгача сайловда иштирок этувчи фуқароларни рўйхатга олиш ишлари якунига етказилди. Шунингдек, сайловда илк бор иштирок этаётган ёш ҳарбий хизматчиларга ушбу сиёсий кампания борасида етарли маълумотлар берилди. Тезкор ахборот бериш ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида эса эгалланган билим ва кўникмалар янада мустаҳкамланмоқда.

– Биз ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида эркин сайловлар ва унда ўз овозимиз билан иштирок этиш, шунингдек, сайловда ўз номзодлари билан қатнашадиган мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ҳамда уларнинг фаолиятлари ҳақида маълумотларга эга бўлдик, – дейди муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Дониёр Бобомуҳамедов. – Бундай сайловларда иштирок этиш ва ўзимиз танлаган номзодга овоз бериш бизнинг конституцион ҳуқуқимиздир.

– Мен келажакда ҳуқуқшунос бўлишни мақсад қилганман, шу боис ижтимоий-сиёсий соҳадаги билимларни пухта эгаллашга интиламан, – дейди яна бир оддий аскар Акбар Азизов. – Бу йил сайловда илк бор иштирок этаман. Машғулотлардан ташқари мустақил равишда ҳам сайлов комиссиялари фаолиятлари, депутатликка номзодлар ва уларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари, тарғибот-ташвиқот ишлари, овоз бериш тартиби ҳақида маълумотлар олишга ҳаракат қиламан. Қисм сайлов участкаси ахборот бурчагидаги Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонуни, сайлов комиссиялари низом ва йўриқномалари тўпламлари ҳамда вақтли матбуот нашрларидан зарур маълумотларни топиб, ёзиб қўйяпман. Бу галги сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сиёсий партиялар қатори экологик ҳаракат вакилларидан ҳам депутатлар сайланар экан. Мазкур ҳаракат хусусида ҳам кенгроқ маълумотларга эга бўлдим.

Ҳа, посбонларимизда интилувчанлик, янгиликларни ўзлаштиришга иштиёқ гоят юксак. Бу профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз посбонларининг барча соҳада илғор эканликларини, умумхалқ сайловларида фаоллик билан қатнашишга ҳозирлик кўраётганликларини кўрсатади.

Капитан Яшин КОМИЛОВ.
Муаллиф суратга олган.





ТАНЛОВ

«Энг илғор мутахассис»

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ БЕЛЛАШМОҚДА

Маълумки, олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз сафлари маҳоратда тенгсиз, интеллектуал салоҳиятли, мард ва жасур юрт ҳимоячилари билан мустаҳкамланмоқда. Бунда бевосита Қуролли Кучларимизда доимий равишда ўтказилаётган турли кўрик-танловларнинг ҳам аҳамияти беқиёсдир.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танлови мана бир неча йилдирки, Қуролли Кучларимиз миқёсида юксак савияда ўтказилиб келинмоқда. Йилдан-йилга танловга қизиқиш ортиб, унинг нуфузи ошиб бормоқда. Мусобақанинг айни кунларда қизғин кечаётган республика босқичида округлар миқёсида ғолибликни қўлга киритган офицер ва сержантлар ўз билим ва маҳоратларини намоён этишмоқда.

– Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад–ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, – дейди офицер Баҳодир Қулбоев. – Қолаверса, юрт ҳимоячилари қалбида она Ватанга муҳаббат, садоқат, ҳурмат туйғуларини шакллантириш, улар орасидан ҳақиқий профессионалларни танлаб олиш ва рағбатлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва жанговар тайёргарлик даражасини янада юксалтириш каби омилларни шакллантиришдан иборат.

Танлов иштирокчилари тактика, қуролдан нишонларга отиш, граната улоқтириш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарлик ҳамда назарий билимлари бўйича синовлардан ўтишмоқда.

Шу кунларда мусобақа ўзининг энг қизғин палласига кирган. Офицер ва сержантлар қўйилган шартлар бўйича бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, илғорлик сари олға интилишяпти.

– Мазкур танловда биринчи бор иштирок этишим, – дейди «Энг илғор батальон командири» номинацияси иштирокчиси офицер Азамат Қосимов. – Биринчи ва иккинчи босқичлардан муваффақиятли ўтиб, республика босқичига чиқдим. Бунинг ўзи бўлгани йўқ, албатта. Тинимсиз меҳнат, тажрибали офицерлардан олган билим ва маҳоратларим асқотди. Тўсиқлардан ошиб ўтиш, тест ва отиш шартларида юқори кўрсаткичларга эришдим. Бу натижаларим менга янада куч бағишлади, олдимда турган навбатдаги шартлардан ҳам юқори кўрсаткичга эришишимга руҳлантирди, десам асло хато қилмайман. Гап ғолиб бўлиш ёки бўлмасликда эмас. Бу ерда тажрибали ҳарбий хизматчилардан кўп нарсани ўрганиш, тажриба алмашиш имкони бор. Умуман, шундай нуфузли танловнинг республика босқичида иштирок этишимнинг ўзи мен учун катта фахр ва шарафдир.

Дарҳақиқат, танловнинг республика босқичида кучлилар ичра кучлилар, саралар ичра саралар беллашмоқда. Натижаларга эътибор берсак, офицерлар – З. Иминов, Л. Бузруков, О. Ильмияминов, У. Жабборов ҳамда сержантлардан – К. Ҳудойқулов, Р. Темиров, Н. Аҳмедов, А. Мардиев, К. Каиповлар энг юқори кўрсаткичларга эришаётир.

– Танлов ташкилий қўмитаси аъзоси сифатида шуни ишонч билан айтаманки, бу ердаги иштирокчиларнинг барчалари миллий армиямизнинг ҳақиқий профессионалларидир, – дейди офицер Мансур Мамадаминов. – Улар учун танловнинг республика босқичига етиб келишларининг ўзи катта шараф. Ҳарбий хизматчилар назарий ва амалий синовларда фаол иштирок этиб, улкан муваффақиятларга сазовор бўлишмоқда. Офицер ва сержантлар учун мазкур мусобақанинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки улар бу ерда ўз билим ва маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишади, ҳар томонлама тобланиб чиниқишади.

Шуни ишонч билан айтиш лозимки, мазкур танлов юрт ҳимоячиларининг юксак касбий маҳоратга, мустаҳкам иродага эга бўлишида, улар қалбидаги ўз халқига, Ватанига садоқатли посбон бўлишдек олижаноб туйғунинг янада шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловнинг якуний натижалари, ғолиб ва совриндорлар ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларида маълумот берамиз.

Кичик сержант
Нозим АҲРОРОВ.

Ўз касбининг устаси

ЁВҚУР ЎҒЛОНДАГИ ЮКСАК ШИЖОАТ

Маълумки, истиқлол сабаб ўз миллий армиямизга эга бўлдик. Олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ бугун армияга, ҳарбий хизматга муносабат буткул ўзгарди. Ҳарбий хизмат бугун мамлакатимиз ёшлари учун энг шарафли касбга, ҳавас қилса арзигулик соҳага айланди. Янгича анъаналар, соҳани ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида ҳарбий хизматнинг нуфузи янада ошмоқда. Шонли ҳарбий анъаналар қаторидан жой олган, Қуролли Кучларимизда ўз касбининг устаси бўлган чинакам мардларни аниқлашга қаратилган «Энг илғор мутахассис» танлови ҳам ана шундай эзгу ишлардан биридир.

Ушбу йўналишда айни пайтгача барча ҳарбий округларда майдон мардлари сараланди, шу кунларда эса якуний босқич баҳслари давом этмоқда. Марказий ҳарбий округи шунқорлари сафидан «Энг илғор гуруҳ командири» деб топилган, ушбу номинацияда барча рақибларини ортда қолдирган катта лейтенант Шерзод Умаров бугунги мақоламиз қаҳрамонидир.



Шерзод мардлар касби бўлган ҳарбий соҳага кучли ҳавас ва катта иштиёқ билан кириб келган шижоатли ўғлонлардан. У ўз келажагини, тақдирини ва орзулари рўёбини Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрди. Ватанга хизмат қилишни, истиқлолни асрашни эзгу мақсад деб билди. Шу боис олий ҳарбий билим юртида таҳсил олиб соҳа илмини пухта ўрганишни ва етук малакали офицер сифатида фаолиятини давом эттиришни кўзлади. Шу йўлда тинмай изланди, тайёргарликларини мустаҳкамлаб борди. Нияти холис экан, ниҳоят орзулари йўлидаги илк довон муваффақиятли забт этилди – у курсант деган номга муносиб топилди.

Мана, бугун у ҳақиқий ҳарбий хизматда. Зиммасидаги масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб келаяпти. «Энг илғор гуруҳ командири» номинацияси бўйича округ босқичи ғолиби деб топилгани эса унинг жасоратга ташна, матонатда собит эканини, чуқур билим ва маҳоратга эга эканини яққол кўрсатади.

– Катта лейтенант Умаров нафақат взвод, балки бутун ҳарбий қисм шахсий таркиби ўртасида билимли, салоҳиятли ва етук ҳарбий хизматчи сифатида обрў-эътиборга эга, – дейди у ҳақда масъул офицер Баҳром Юсупов. – Вазифасини сифатли ва виждонан адо этиши, юксак натижаларга эришгани туфайли Мудофаа вазирининг «Эдалик нишони»ни қўлга киритган. Шунингдек, у «Ҳарбий спортчи» ва «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонларига ҳам эга. Ҳарбий соҳанинг спорт билан узвий алоқадорлигини яхши англаб, мунтазам жисмоний тайёргарлик машқлари билан шуғулланиб келади. Шу сабаб курсантлигидаёқ ҳарбий учкураш мусобақаларида спорт усталигига номзод бўлган. Биз унинг келгуси натижалари ҳам аъло даражада бўлишига ишонамиз ва шунга тилакдошмиз.

Дарҳақиқат, кучлилар билан мусобақага киришиш учун талабгорга фақатгина ҳаваснинг ўзи камлик қилади. Бундай баҳсларга куч, билим ва маҳорати муштарак бўлган, салоҳиятли, етук, постандарт вазиятларда муҳим қарорлар қабул қилишга қодир, ҳақиқий зукколаргина туша оладилар. Қаҳрамонимизда эса бундай сифатлар мужассам, деб бемалол айта оламиз. Чунки тест синовларидан ўтиш, қуролдан аниқ мўлжалга отиш ва тўсиқлар оша югуриш каби босқичлардан иборат учкураш мусобақалари, ижтимоий-сиёсий билимлар синови ва суҳбат натижаларига кўра ғолиблар аниқланадиган баҳсларда Шерзоднинг олдига тушадигани топилмади. У мазкур юксак натижани Шариф Абдураҳмонов, Ҳикматулла Атаев ва Нодирбек Юсупов каби офицерлардан ўзиб кетиб, қўлга киритди. Ҳа, ҳарбий паҳлавонларимиз ўртасидаги баҳс ва мусобақалар шиддатли, муросасиз тарзда кечгани рост. Бу борада Шерзодга ҳам осон бўлмагани аниқ. Чунки майдондаги рақобатчилари ҳам ўзи каби ҳар томонлама етук офицерлар эди-да. Аммо унга тинимсиз машаққатлар чекиш эвазига ўзини доимо тоблаб, ўқиб-изланиб боргани қўл келди.

– «Энг илғор мутахассис» кўрик-танлови энг етук, ҳам билимли, ҳам маҳоратли ҳарбий хизматчиларнинг баҳсидир, – дейди катта лейтенант Шерзод Умаров биз билан суҳбатда. – Бунда ҳар томонлама ўзига ишонган, билим ва малакаси мукаммал бўлган илғорлар майдонга тушади. Табиийки, бундай паҳлавонлар билан беллашиб, ғолиб бўлиш осон эмас. Фақат энг муносибларгина зафар қучадилар. Мен ана шундай натижага эришганимдан албатта, хурсандман ҳамда бундан буён ҳам фақат олға интилиб, янада юксакроқ чўққиларни забт этишни кўзлайман. Шунингдек, бунга эришишимда ёрдамларини аямаган, ўз устимда тинмай шуғулланишим учун зарур шарт-шароитларни яратиб берган ҳарбий қисмимиз қўмондонлигига, жанговар соҳадан сабоқлар берган билим юртидаги устозларимга, хизматда ҳар доим қўллаб-қувватлаб, йўл-йўриқ кўрсатиб келаётган етакчи офицерлар ва қўл остимдаги кичик командирларга самимий миннатдорчилик билдираман. Ишонтириб айтаманки, ғалабалар мени яна ҳам олға ундайди. Бундан ҳам юқорироқ натижаларга эришишни мақсад қиламан ва унга интиламан.

Капитан Шаҳриёр КОМИЛОВ.
Муаллиф суратга олган.

БУРЧНИ ШАРАФ БИЛГАНЛАР

Республикамизда барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламли, изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасини сафларида минг-минглаб ҳар томонлама чиниққан, шерюрак ўғлонлар ташкил қиладиган, замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминланган, ихчам ва тезкор бугунги Қуролли Кучларимизда кўриб турибмиз.

Профессионал асосда шаклланган миллий армиямизнинг айни кундаги ютуқларида бир қатор жанговар анъаналарнинг ҳам аҳамияти катта. Бу борада айниқса, «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур танлов миллий армиямизнинг жанговар қобилиятини янада юксалтиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Танлов Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф-ла ўтаб келаётган кўпдан-кўп жасур ва матонатли, ҳар томонлама етук, Қуролли Кучларимизнинг фахри бўлган фидойи посбонлар номини юртга танитди.

Кичик сержант Анвар Қобилов ҳам ана шундай посбонлардан биридир. Посбон хизмат қилаётган взвод ҳақида тажрибали офицер Илҳом Бегимқулов шундай дейди:

– Катта лейтенант Андрей Любивий командирлик қилаётган бу жамоа ҳамиша илғорлар сафида. Бунда етакчининг қўл остидагилар билан яқин ҳамкорлигининг, соғлом маънавий муҳитнинг, ўзаро аҳиллликнинг аҳамияти катта. Улар округ бўйича ҳам турли мусобақалар, беллашувларда фаол иштирок этадилар. Жамоа Қуролли Кучларимизнинг шонли ўн саккиз йиллигини алоҳида ютуқлар билан қаршилаяпти. Буни округ миқёсида ўтказилган «Энг илғор мутахассис» танловида бир неча номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган илғор посбонлар мисолида кўришимиз мумкин. Улар орасида кичик сержант Анвар Қобилов ўтган йилги танловнинг республика босқичида фахрли ўринни эгаллаб, сафдошларини мамнун қилган эди. Округнинг энг илғор сержанти бу йил янада юксакроқ натижаларни қўлга киритади, деб умид қиламиз.



Анвар Китоб туманининг Сарой қишлоғида туғилиб ўсган. Мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Мактабнинг энг яхши спортчиларидан бири саналарди. Каратэ бўйича туман мусобақаларида иштирок этган. У адабиётга ҳам қизиқарди. Ҳозир ҳам бўш вақтларида мутолаа билан банд бўлишни ёқтиради. У ҳам кўплаб қишлоқ болалари каби меҳнатсевар, унча-мунча қийинчиликлардан чўчимайдиган йигит бўлиб улғайди.

Посбон йигит болалигида шифокор бўлишни орзу қиларди. Муддатли ҳарбий хизмат унинг ҳаётини бутунлай бошқа ўзанга бурib юборди. У шарафли касбга меҳр қўйиб қолди. Ҳарбий хизматни шартнома асосида давом эттириш истагини билдирганида уни даставвал командирлари қўллаб-қувватладилар. Чунки унинг намунали хулқи ва аъло хизматлари аллақачон командирлари эътирофига сазовор бўлган эди. Анварнинг қарорини онаси Ашура опа ҳам мамнуният билан қабул қилди. Оналар ҳамиша фарзандларининг дадил қарорларини ҳурмат қилишган, қадрлашган. Бу ҳолат ўғлонларга қанот бағишлашини улар каби ҳеч ким билмайди.

Мана, шунга ҳам ўн йилдан ошиб қолди. Сержантлар тайёрлаш мактабининг ҳар икки босқичини ҳам тамомлади. Сержантлар Қуролли Кучларимизнинг ишончи ва суянчи, командирларнинг энг яқин кўмакчилари деган юксак ишончни ҳар томонлама оқлаб келаётир. Бугунги кунда у гуруҳ командирининг ўринбосари лавозимида хизмат қилмоқда. Вазифасини сидқидилдан бажаради. Унинг аъло хизматлари қисм қўмондонлиги томонидан бир неча бор рағбатлантирилди. Айниқса, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» кўкрак нишони билан тақдирланиши унинг учун энг унутилмас лаҳзаларни бахш этди. Худди шундай мукофот билан орадан яна беш йил ўтиб, яъни Қуролли Кучларимизнинг ўн беш йиллик байрамида ҳам тақдирланди.

– Ҳар бир ютуғимда мен билан елкама-елка турган сафдошларимнинг катта ҳиссалари бор, – дейди кичик сержант Анвар Қобилов. – Биз биргаликда катта кучмиз, енгилмас кучмиз. Ватан ҳимоясидек муқаддас вазифа биздан огоҳлик, ҳушёрлик билан биргаликда ана шундай мустаҳкам жипсликни талаб этади.

– Мустаҳкам интизом юксак жанговар шайликнинг асосий талабларидан биридир, – дейди гуруҳ командири катта лейтенант Ботир Дусенов. – Гуруҳимизда бунга катта эътибор берилади. Кичик сержант Анвар Қобилов интизом борасида сафдошларига ҳамиша ўрнак бўлиб келади. Жамоамиз ана шундай қатъиятли, интизомли, билимдон, ўз устида изланишдан толмайдиган жонкуяр посбонларга таянади.

Ҳа, нафақат ҳарбий жамоа, балки она юрт ҳам ана шундай фидойи, жонкуяр фарзандларига таянади. Улар туфайли юрт обод, мамлакат осуда, эл осойишта.

Инобат НОДИРШОҲОВА.
Капитан Ёшин ҲАКИМОВ
олган сурат.

МАҲОРАТ

Халқаро танлов совриндорлари

КУРСАНТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Конституциямизнинг ўн етти йиллиги арафасида таҳририятимизга хушхабар келди. «Ал-Форобий» номидаги VII Халқаро танловда иккинчи бор иштирок этган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларидан иборат жамоа ўз интеллектуал салоҳияти ва маҳоратини намоён этиб, фахрли 2-ўринга сазовор бўлишди.



Қуролли тўқнашувлар оқибатларидан зарар кўрган инсонларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилишни тарғиб этиш ва оммалаштириш борасидаги билим даражасини синаш мақсадида олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасида Олма-ота шаҳрида ўтказилган мазкур танловда иштирок этган еттита жамоа орасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шарафини ҳимоя қилиш Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари жамоаси зиммасига юкланди.

Жамоа раҳбари, билим юрти «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси бошлиғи подполковник Алипошшо АҲМЕДОВ танлов ҳақида бизга қуйидагиларни гапириб берди:

– Бундайин нуфузли танловга таклиф қилинганимиз ва Қуролли Кучларимиз шарафини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа бизнинг билим юртимизга ишониб топширилгани руҳимизни кўтариб, қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотди. Қисқа муддат ичида танлов шартларига тайёргарлик кўрдик. Бунда билим юрти қўмондонлиги томонидан барча шароитлар яратилиб берилди. Билим юртимизнинг энг сара, аълочи ва илғор курсантларидан иборат жамоа қўйилган шартларни юксак даражада уддалашиб, ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Танлов шартлари бўйича беллашувлар олти кун давомида қизғин беллашувлар остида ўтди. Мусобақадош жамоалар тажрибали, бир неча бор шу каби танловларда қатнашиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган бўлишига қарамай, курсантларимиз топқирлик, уддабуронлик ва зеҳн жиҳатдан бошқа давлатлар вакилларидан кам эмасликларини амалда исботладилар.

Таъкидлаш жоизки, минтақавий вакиллар ва маҳаллий ҳарбий маслаҳатчилардан тузилган тажрибали ҳайъат аъзолари ҳам ўзбекистонлик курсантларнинг билим ва маҳоратларига тан беришди.

Халқаро даражадаги бундайин танловларда юқори натижани кўрсатишда Марат Баширов, Аброр Мўминов, Отабек Юсупахметов, Суннатилло Қорабоев, Шуҳрат Мамашарипов каби курсантларнинг ҳиссаси каттадир.

Устоз офицернинг фахрланиб гапиришидан кўриниб турибдики, ушбу танловда вакилларимиз барча шартлардан, айниқса, саҳна кўриниши, жанговар шайлик, тиббий тайёргарлик, тест синови, тактик тайёргарлик каби шартлардан энг юқори натижаларни қайд этишган.

Курсантлар билан суҳбатлашишимиз жараёнида уларнинг қалблари чексиз қувонч ва ғурурга тўла эканлигига амин бўлдик.

Курсант Марат БАШИРОВ, жамоа сардори:

– Бундайин нуфузли халқаро танловда юқори натижани қўлга киритганимиз бизда таълим-тарбия жараёни юксак даражада ташкил этилаётганидан. Ҳаттоки, ташкилотчилар ҳам ўзбекистонлик курсантларнинг маҳоратини, билим даражасини юксак баҳолашди.

Курсант Аброр МЎМИНОВ:

– Ушбу танловда иштирок этиб, юксак натижага эришганимиздан жуда хурсанд бўлдим. Масъулиятни юракдан ҳис қилган ҳолда уюшқоқлик билан ҳаракат қилганимиз учун жамоамиз ғолиблар сафидан жой олди. Танловга қисқа муддат ичида тайёргарлик кўрган эдик. Аммо билим юртида эгаллаган билимларимиз, орттирган тажрибамиз шартларни бажаришда муваффақият қозонишимизда муҳим омил бўлди.

Нуфузли халқаро танловда иштирок этиб, юқори натижага эришган ўзбекистонлик ҳарбий хизматчиларнинг юксак касбий маҳорати, малакасини намойиш этишгани муносабати билан жамоа раҳбари Фахрий ёрлиқ, курсантлар эса Мудофаа вазирининг «Эсдалик нишони» билан тақдирландилар.

Ҳа, курсантларимиз билим, маҳоратда ҳеч кимдан кам эмас. Улар буюк ота-боболарнинг авлодлари эканликларини юрак-юракдан англашади. Ана шундайин туйғулар қалбларда уйғоқлиги эса бизнинг энг катта ютуғимиз, ғалабамиздир.

Кичик сержант Фирдавс АҲРОРОВ.
Муаллиф суратга олган.

Люди в белых халатах

ВЕРНОЕ СЛУЖЕНИЕ ДЕЛУ

Профессии... Среди их огромного многообразия особое место принадлежит самой мирной и гуманной профессии на земле – защите здоровья и жизни людей. Человек в белом халате – это олицетворение заботы, добра, какого-то особого внимания и человеческого отношения.

Более двадцати пяти лет своей жизни отдала этой благородной профессии фельдшер одного из подразделений Караульных войск сержант по контракту Назокат Джалолова. Забота о здоровье военнослужащих – вооруженных защитников страны – стала для нее на всю жизнь и любовью, и избранной специальностью, и призванием. Можно смело говорить, что благодаря ее стараниям воины подразделения всегда здоровы, отлично чувствуют себя в строю и готовы в любой момент выполнять поставленные боевые задачи.

Быть медицинским работником Назокат мечтала еще с детства, так как родилась она в отдаленном горном селении в многодетной семье, и уже тогда поняла как важно для людей вовремя получить медицинскую помощь. После окончания школы сомнений в выборе профессии не было – она поступает в Чирчикское медицинское училище, которое успешно заканчивает в 1983 году. Работает несколько лет медицинской сестрой широкого профиля в районной больнице, а затем в гарнизонном военном госпитале. Вот где она прошла хорошую школу и обрела большой опыт работы.

Вскоре появилось желание стать военнослужащей и поработать на самостоятельном, более ответственном участке. В июне 1993 года Назокат по совету отца и старших братьев, которые все отслужили срочную службу в армии, поступает на контрактную службу в Караульные войска МВД. Сначала санинструктором, а затем фельдшером подразделения.

По отзывам командиров и сослуживцев, все эти годы сержант Н. Джалолова честно и добросовестно выполняет возложенные на нее служебные обязанности, бдительно стоит на страже здоровья воинов, следит за санитарным порядком в подразделении, соблюдением военнослужащими правил личной гигиены, оказывает им необходимую медицинскую помощь, возвращает в строй действующих заболевших воинов. Круг ежедневных служебных обязанностей этой энергичной и неутомимой женщины широк и многогранен: проведение медосмотров, прием и оказание первой помощи нуждающимся больным военнослужащим, доставка их при необходимости в лечебные учреждения или к врачам-специалистам на консультации, постоянный контроль за санитарным состоянием солдатской столовой, других помещений и территории военного городка, качеством приготовления пищи.

– О сержанте Назокат Джалоловой можно говорить много хорошего, – говорит заместитель командира части по воспитательной работе офицер Э. Насыров. – Это высококлассный специалист своего дела, по-матерински заботящийся о здоровье каждого воина. Она требовательна, принципиальна в решении всех вопросов и в то же время добра и заботлива к людям.

А это делает ее скромную должность особо нужной, ответственной и почетной. Одним словом, человек на своем месте.

Воины подразделения с большим уважением относятся к сержанту Н. Джалоловой, называют ее стражем их здоровья и блюстителем уюта и порядка в подразделении, говорят, что ей к лицу и белый халат, и военная форма.

– Мне всегда нравились люди в белых халатах, хотелось быть на них похожей, – сказала в беседе Назокат Алимжановна, – и я благодарна судьбе, что моя мечта осуществилась.

Верно служить народу, быть полезной людям давно стало смыслом жизни скромной труженицы Назокат Джалоловой, и этому правилу она будет следовать всегда.

А. НИКОЛАЕВ.

ЯНА БИР ОРЗУСИ – ҲАРБИЙЛИК

Беғубор орзу-умидлар ва шодликка йўғрилган ёшлик дамларини ҳаяжон билан эслаймиз, баъзан қўмсаймиз ҳам. Ўша сеҳрли олам, бетакрор дунёнинг ҳар бир они биз учун қадрли. Масалан, ёшлик пайтида «Катта бўлсанг, ким бўласан?» деган саволга берган жавобингизни бир эслаб кўринг-а. Шу заҳоти юзингизда табассум пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Қизиқ, аммо ўшанда катталар томонидан жиддий-масдек қабул қилинган жавоб вақт ўтиши билан киши ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи қарорга айланган ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин.



– Эсимни таниганимдан бери ҳамшира бўлишни истардим, – дейди Муқаддас. – Ушбу касб вакилларининг оппоқ либоси, хуш муомаласи, энг муҳими эса инсонларга шифо улашишдек эзгу ишни бажариши ҳавасимни келтириб, ҳайратимни оширарди. Шунинг учун эгнимга оқ либос кийган, саломатлик посбони бўлишдек масъулиятни зиммамга олган кунни ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири сифатида эслайман.

Келинг, болаликдаги орзуси ушалган қаҳрамонимиз билан сизларни яқинроқ таништирамиз. Тиббиёт коллежини аъло баҳоларга тамомлаб, гарнизон ҳарбий лазаретида фаолиятини бошлаган Муқаддас Болиқулова тиришқоқлиги ва изланувчанлиги сабаб, қисқа вақт ичида ҳамкасблари ҳурматини қозонди. Ҳозирда у мазкур тиббиёт масканининг жарроҳлик бўлими катта ҳамшираси.

– Кўп йиллар давомида тиббиёт соҳасига меҳр қўйган ўғил-қизларга билим бердим, – дейди лазарет бўлими бошлиғи доцент, тиббиёт фанлари номзоди Бахтиёр Бобожонов. – Маълумки, қайси касбда фаолият кўрсатишидан қатъи назар ҳақиқий мутахассис ўз устида ишлаш, касбий билимини ошириш ва дунёқарашини кенгайтириш йўлида тиним билмайди. Зеро шиддат билан ривожланаётган юксак технологиялар, тобора янгиланиб бораётган маълумотлар даврида замон билан ҳамнафас бўлиш зарур. Бу нарсани шогирдларимга доим уқтириб келганман. Муқаддас ҳам иқтидорли шогирдларимдан бири. Шунинг учун унинг қанчалик билим ва малакага эгалигидан яхши хабардорман.

Дарвоқе, тиббиёт соҳаси вакилларининг малакасини оширишга қаратилган турли тадбирларнинг фаол иштирокчиси бўлмиш катта ҳамшира Мудофаа вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасалари ҳамширалари ўртасида анъанавий тарзда ўтказилувчи «Энг илғор ҳамшира» кўрик-танловида қатнашиб, округ босқичи ғолиби бўлди.

Ўзи ҳақида гапиришни унчалик ҳам хуш кўрмайдиган, камтарин, тиришқоқ суҳбатдошимизнинг келажакдаги орзуларидан бири ҳарбий либос соҳибаси бўлишдир. Ўз иродаси, илмга чанқоқлиги билан кўплаб ютуқларга эришиб келаётган Муқаддас Болиқуловага доим омад ёр бўлаверсин.

Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Муаллиф суратга олган.

МАЛАКА

ЮРТ ҚЎРИЙДИ ФАРҲОДЛАРИНГ

Ёшлик. Бу давр инсон умрининг беғубор орзу-ҳавасларга тўлиқ даври. Ёшлигида Фарҳоднинг ҳам орзулари ниҳоятда кўп эди. Айниқса, кўркам ҳарбий либос кийган аскарларни, офицерларни кўрганда, у ҳам тезроқ катта бўлиб, ҳарбий либос кийишни, худди ҳозиргидек эл-юрт корига камарбаста бўлишни ўйларди.



Шу сабабли ўн саккизга тўлгач, муддатли ҳарбий хизматга чақиришганда, қанчалар қувонганини тасаввур қилса бўлади. Ахир орзуси амалга ошиб, эгнига ҳарбий либос кийиш имкони туғилганди-да! Мактабда яхши таҳсил олган, спорт машғулотларида обдон чиниққан қаҳрамонимиз синовлардан муваффақият билан ўтди. Энг юқори кўрсаткичларни қайд этгани боис муддатли ҳарбий хизматга лойиқ, деб топилди.

Армияни бежизга ҳаёт мактаби дейишмайди. Унда киши ҳар томонлама чиниқади, тобланади, дунёқараши, билимлари бойийди. Аскарлик Фарҳоднинг орзуларига ҳам қанот бағишлади гўё. Хизмати мобайнида у посбонликнинг ҳақиқий жасорат ва матонат иши эканини юракдан англаб етди. Армияда уларга ҳаёт ва ҳарб илмини пухта ўргатган армиямиз профессионалларига ҳавас ўлароқ кўнглида шарафли касб эгаси бўлиш истаги мустаҳкамланди.

Муддатли ҳарбий хизмат давомида ўзининг тиришқоқлиги, масъулиятни чуқур ҳис қилиши, Умумҳарбий низомларни пухта ўзлаштирганлиги билан сафдошларига ибрат бўлиб келган посбоннинг бу қарори табиийки, командирларни-да қувонтирди.

Фахр-ифтихор билан елкасига сержантлик погонини тақди. Ўзининг бор билими, салоҳияти орқали юксак ишончга, армиямиз суянчи ва таянчи, деган мақомга муносиб бўлишга аҳд қилди.

Армияда устоз офицерлар А. Нурматов, Н. Карабеков, ўз ишининг устаси бўлган сержантлар А. Собиров, Ў. Раҳмонқулов, И. Умаровлардан олган билимлари мустақил фаолият бошлаган илк кезларда унга ниҳоятда қўл келди. Дастлаб катта пулеметчи сифатида хизмат қилган ўғлон ҳамиша илғорликка интилди, ўз устида ишлашга ва билимларини бойитиб боришни одат қилди. Айни шу хусусият унинг янада юксак марраларни забт этишида бош омил бўлди.

Маълумки, Қуролли Кучлар миқёсида ҳар йили қатор танловлар ўтказиб келинади. «Энг илғор мутахассис» кўрик-танлови эса уларнинг нуфузлисидир. Мазкур анъанавий танлов миллий армиямиз сафларида ҳар томонлама етук, салоҳиятли посбонлар шаклланишида муҳим аҳамият касб этаётганига барчамиз гувоҳмиз. Энг муҳими, мазкур танлов ҳаётини Ватан ҳимоясидек шарафли ва ғоят масъулиятли вазифага бағишлаган ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини оширишга, ҳарбий маҳорати ва истеъдодини сайқал топтиришга хизмат қилмоқда, қалбларда шарафли касбга нисбатан ифтихор ҳиссини уйғотмоқда. Лавҳамиз қаҳрамони ҳам бир эмас, икки бор (2007 ва 2008 йилларда) «Энг илғор сержант» кўрик-танловида ғолиб чиқиб, нечоғли юксак маҳорат, билим ва иқтидор соҳиби эканлигини амалда намоён этди.

Ана шу муваффақияти сабаб у сержантлар тайёрлаш мактабига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Табиатан илмга ташна, ўзига талабчан ва тиришқоқ бўлган мақоламиз қаҳрамони бу даргоҳда ҳам ўзининг фаоллиги, қобилияти, ҳарб илмига қизиқиши билан бошқалардан ажралиб турди. Устоз офицерлар ҳам посбондаги истеъдод учқунларини пайқаб, машғулотлар вақтида ҳамиша фаол бўлгани боис уни барчага ўрнак қилиб кўрсатишар эди. Сержантлар тайёрлаш мактаби битирувчиларни тантанали тақдирлаш маросимида Фарҳод Мирзакаримов номи энг билимли, иқтидорли курсантлар қаторида зикр этилганида ҳеч ким ажабланмади.

– Сержант Мирзакаримовни миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган энг илғор, тафаккури ва дунёқараши кенг, соҳага оид билимларни чуқур ўзлаштирган посбонлардан бири сифатида биламан, – дейди офицер М. Баҳромов. – Сафдошлари ҳам, устоз офицерлар ҳам унинг муваффақиятларига кўп бора гувоҳ бўлишган. Қуролли Кучларимиз сафларида шундайин мард, ўктам, маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган посбонларнинг кўплиги эса бизнинг омадимиздир.

Бу дунёда эзгу иш, фидойилик, изланиш бесамар кетмайди. Буни сержант Фарҳод Мирзакаримовнинг эришган ютуқлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кичик командир қайси вазифага тайинланмасин, бугуннинг посбонига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, профессионал армияга мос бўлишга интилди. Қўл остидаги аскарлар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлиги ва тарбиясига эътибор қаратди. Гуруҳида ўзига хос анъаналарни жорий этаркан, аввало ўзи намуна, ўрнак бўлишга интилди. Бу эса гуруҳнинг ҳарбий интизом ва жанговар тайёргарлик бўйича етакчига айланишини таъминлади.

Ватан ҳимояси ва тинчлигини ҳаёт мазмунига айлантирган, маҳорат ва матонат борасида сафдошларга ўрнак бўлиб келаётган сержант Фарҳод Мирзакаримов Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Бу олий мукофот эса аълочи посбонни янада юксак марраларни забт этишга чорлайди.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

В мобилизационном призывном резерве

ПРЕСТИЖНО И ПОЧЕТНО

В подразделении мобилизационного призывного резерва под командованием офицера Улугбека Рахимова личный состав так стремится организовать службу на сборах, чтобы каждый юноша гордился тем, что проходит новый вид воинской службы.



Этому во многом способствует атмосфера состязательности, ведь по итогам каждого месячного сбора определяются лучший взвод, группа, «Лучший сержант», передовики среди офицеров органов воспитательной работы.

По словам капитана Авазбека Шералиева, по итогам предыдущего месяца среди взводов лучшим стал взвод капитана Ёлкина Кулонова, звание «Лучшая группа» добилась группа сержанта Жамола Адизова, в соперничестве среди сержантского состава пример для сослуживцев подали сержанты Исожон Юсупов и Солижон Эркабаев. Образцом среди офицеров-воспитателей сумел стать капитан Музаффар Махкамов.

В день нашего приезда у молодых людей, прибывших сюда на сборы, завершалась первая неделя адаптации к условиям армейской службы. Ребята выглядели хорошо, а блеск в глазах и огонек служебного рвения красноречиво говорили о том, что настроить на ревностное несение службы здесь умеют.

– В первые дни наши наставники акцентировали внимание на общественно-политической подготовке, строевой, физической, Общевоинских уставах Вооруженных Сил, – делится своими впечатлениями о сборах в МПР уроженец Чиназского района Улугбек Рустамов. – Слушая выступления командиров, невольно проникаешься гордостью за наши Вооруженные Силы, высокий интеллектуальный уровень национальной армии.

– На меня лично произвела неизгладимое впечатление физическая форма сержанта Ганишера Номозова, – подключается к нашей беседе Анвар Досов из Ангрена. – У него такая развитая рельефная мускулатура, что очень хочется накачать такую же. По словам сержанта, упорные тренировки на занятиях по гиревому спорту помогут мне за короткий срок стать таким же сильным и уверенным в себе.

– А я с нетерпением жду того дня, когда нас вывезут на стрельбу, – добавляет Самандар Холикулов из Куйи-Чирчикского района. – Мне однажды уже доводилось стрелять из автомата во время учебы в автошколе ОСО «Ватанпарвар», где я получил профессию водителя по категориям В и С. После сборов я надеюсь поступить в Ташкентский автодорожный институт.

Если Самандар только мечтает стать студентом, то Тимур Насыров из Юкори-Чирчикского района уже отучился в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта.

– Честно говоря, собираясь сюда на сборы, думал о военных, что эти люди как бы зациклены на своей воинской службе, – говорит Тимур. – И был приятно удивлен, узнав о том, что один из наших заместителей командиров групп сержант Мурод Джураев стал лауреатом премии «Зомин-2006» среди молодых поэтов. Он с гордостью сказал нам, что его наставником на литературном поприще был военный журналист подполковник в отставке Абдураззак Абруев. Сейчас сержант Джураев готовит к печати новый сборник своих стихов.

Однако в свое служебное время младший командир отдает предпочтение другой музе: в наш приезд он увлеченно описывал молодым людям тактико-технические характеристики ручного пулемета, сопровождая свой рассказ показом порядка разборки и сборки оружия.

Выпускника ТВОКУ лейтенанта Джамшида Кузиева мы встретили в классе общественно-политической подготовки. Молодой офицер увлеченно и с интересом рассказывал юношам о правах и обязанностях гражданина нашей страны, предоставленных Основным законом.

– В нашей Конституции записано право граждан Республики Узбекистан «участвовать в управлении делами общества и государства как непосредственно, так и через своих представителей», – говорит он, напоминая о предстоящих выборах.

Непринужденный разговор в аудитории пошел о политических партиях и общественных организациях Узбекистана. Молодые люди показывают высокий уровень осведомленности в этих вопросах, радуя офицера. Кстати, этим юношам доведется свое конституционное право осуществлять на избирательном участке войсковой части.

– Сознание того, что мне доверено осваивать секреты воинского мастерства, наполняет меня чувством гордости, – говорит один из наших собеседников, Улугбек Рустамов. – Защита Родины – это священный долг каждого гражданина Узбекистана. А еще я надеюсь внести свой посильный вклад в процветание Родины в качестве дипломированного специалиста, ведь я отучился на факультете агрономии Ташкентского аграрного университета.

Эти молодые люди прекрасно понимают, что наша жизнь состоит из единства прав и обязанностей. Для гарантированной защиты права на мирный труд и свободу наши Вооруженные Силы несут свою службу, являясь надежным гарантом мира и спокойствия народа свободного Узбекистана.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото автора.

ASKAR

Qurolli Kuchlarimizning 18 yilligiga


ARMIYA MENING HAYOTIM


Yillar yugurik. Ana-mana deguncha shonli Qurolli Kuchlarimizning tashkil topganiga ham o‘n sakkiz yil to‘lmoqda. O‘tgan yillar davomida Qurolli Kuchlarimizning jangovar salohiyati yuksaldi. Unda olib borilgan izchil islohotlar samarasi o‘laroq axloqiy-ruhiy, ma’naviy muhit butunlay yangilandi. Bugungi kunda ona O‘zbekistonning xavfsizligi, hududiy yaxlitligi va sarhadlarimiz daxlsizligini, xalqimizning tinchligi va osoyishta hayotini ishonchli himoya qilishga qodir bo‘lgan, zamonaviy qurol-yarog‘, harbiy texnika bilan ta’minlangan, ixcham, tezkor, professional asosda shakllangan milliy armiya barpo etilganini mamnuniyat bilan ta’kidlab o‘tsak arziydi. Milliy armiyamiz jahon harbiy qurilishining eng ilg‘or tajribalarini o‘zida mujassam etgan.

O‘tgan yillar mobaynida Qurolli Kuchlarimizda ko‘lami va mohiyatiga ko‘ra benihoya ulkan ishlar amalga oshirildi. Harbiy ta’lim tizimi tubdan yangilandi. Armiyada sog‘lom ma’naviy muhitni yanada yaxshilash, professional tayyorgarlik darajasini yuksaltirishda hal qiluvchi ahamiyatga ega bo‘lgan serjantlar tayyorlash maktablari tashkil qilindi. Jamiyatimizda armiyaga va harbiy xizmatga nisbatan yondashuv va qarashlar butunlay o‘zgardi. Endilikda milliy armiyamiz saflarida xizmat qilish mamlakat yoshlari uchun eng nufuzli, orzuli kasblardan biriga aylandi. Yurtboshimiz Vatan himoyachilariga bayram tabrigida shunday ta’kidlagan edilar: «Biz bugun katta g‘urur va iftixor bilan ayta olamizki, yoshlarimiz uchun mamlakatimiz Qurolli Kuchlari saflarida xizmat nafaqat konstitutsiyaviy burch, balki yuksak maqsad, tom ma’nodagi shon-sharaf ishiga aylanmoqda. Armiyada ular harbiy mutaxassisliklarni puxta egallash bilan birga, jismoniy va ma’naviy jihatdan chiniqib, irodasi toblanib, hayotiy qarashlari shakllanmoqda, Vatan himoyasi yo‘lida doimo tayyor turadigan mard va jasur insonlar bo‘lib kamol topmoqda.

Ezgu orzu-umidlar bilan mustaqil hayotga qadam qo‘yayotgan minglab yoshlar uchun armiya saflarida xizmat qilish ularning shaxs sifatida shakllanishida o‘ziga xos poydevor bo‘lmoqda, hayot yo‘llarini tanlashda, oliy ma’lumot, shu jumladan, harbiy ma’lumot olishda keng imkoniyatlar ochib bermoqda. Bugungi kunda aynan mana shu yoshlar mamlakatimizning faol va puxta tayyorlangan kadrlar zaxirasini, O‘zbekiston kelajagining tayanchi va suyanchini tashkil etmoqda». Ha, milliy armiyamiz saflarida xizmat qilish yoshlarimiz uchun ulkan imkoniyatlar eshigini ochmoqda. Ular orasida sharafli kasbga bo‘lgan qiziqish, intilishning kuchli ekanligini alohida ta’kidlash joiz.

Shu kunlarda muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatlarini o‘tayotgan va harbiy xizmatni shartnoma asosida davom ettirish istagida bo‘lgan posbonlar uchun jiddiy sinov jarayonlari ketmoqda. Shunisi diqqatga sazovorki, posbonlar orasida ana shunday otashin istak bilan yonib harakat qilayotgan o‘g‘lonlar ko‘pchilikni tashkil qiladi. Quyida sizga hikoya qilmoqchi bo‘lganimiz posbon o‘g‘lonlar ham hayotlarini armiya bilan bog‘lashga qat’iy ahd qilganlar.



ORZULAR QANOTIDA

Oddiy askar Sherzod Umidov Nurota tumanida tug‘ilib o‘sgan. Tumandagi qishloq xo‘jaligi mashinalarini tuzatish va texnik xizmat ko‘rsatish kasb-hunar kollejida tahsil olgan. Tahsildan so‘ng biroz muddat marmar zavodida operator bo‘lib ishladi. U vazifasini sidqidildan bajarar edi. Ota-onasi ham xursand edilar. Shunday bo‘lsa-da yigitning ko‘ngli nimadandir to‘lmasdi. O‘z ishini sidqidildan bajarsa-da orzusi tamoman boshqacha edi. Bolalik orzulari uni hamon tark etmagandi. Muddatli harbiy xizmat bu yo‘ldagi eng katta imkoniyat bo‘ldi.

Ma’lumki, muddatli harbiy xizmatga loyiq bo‘lish uchun yigitlar bir qator jiddiy sinovlardan o‘tadilar. Sherzod bu sinovlardan muvaffaqiyat bilan o‘tdi. Xizmatning dastlabki kunlaridanoq namunali xulqi, bilimdonligi, berilgan topshiriqlarni bekamu ko‘st uddalashi bilan komandirlarining e‘tiborini qozondi. Mashg‘ulotlarda faolligi bilan safdoshlariga o‘rnak bo‘la boshladi. Yosh askarning jonkuyarligini qism qo‘mondonligi munosib baholadi. Ulug‘ bayram arafasida, ya’ni, Mustaqillikning o‘n sakkiz yilligi katta tantanalar bilan nishonlanayotgan kunlarda posbon yigitning ota-onasi nomiga minnatdorchilik maktubi bordi. Bundan askarning ota-onasi ham behad xursand bo‘ldilar.

Sherzod Umidov ham ko‘plab safdoshlari kabi xizmatni shartnoma asosida davom ettirish istagini bildirgan. Uning o‘zi bu haqda shunday deydi:

– Men bolaligimdan harbiy bo‘lishni orzu qilaman. Harbiy xizmatni shartnoma asosida davom ettirish istagimni oila a’zolarim ham quvonch bilan ma’qullashdi. Sharafli kasb egasi bo‘lish oson emasligini, oldimizda jiddiy sinovlar borligini yaxshi bilaman. Ammo intilganga tole yor, deydilar. Maktabda o‘qib yurgan kezlarimdan sport bilan muntazam shug‘ullanib kelaman. Test sinovlariga ham kutubxonamizdagi adabiyotlardan foydalanib tayyorgarlik ko‘rdim.

– Oddiy askar Sherzod Umidov mashg‘ulotlarda faolligi bilan alohida ajralib turadi, – deydi avtomobilchilar guruhining komandiri kichik serjant Shavkat Nomozov. – Guruhimiz ilg‘orlar safida tilga olinishida uning ham katta hissasi bor. Biz uning sinovlardan muvaffaqiyat bilan o‘tishiga ishonamiz.

ISMI JISMIGA MONAND

Bugun Qurolli Kuchlarimizda sportga katta ahamiyat berilmoqda. Turli sport musobaqalari posbonlarning jismonan chiniqishlari bilan birgalikda qo‘shinlarning jangovar qobiliyati yanada yuksalishida muhim omil bo‘lib xizmat qiladi.

– Bizning qismimizda sportga e‘tibor kuchli, – deydi oddiy askar Bobur Qo‘ziyev. – Sport shaharchasi, trenajerlar mavjud. Har bir posbonning o‘zi istagan sport turi bilan shug‘ullanish imkoniyati bor. Bu yerda tez-tez turli bellashuvlar uyushtirib turiladi. Kurash, boks, futbol, voleybol bilan shug‘ullanuvchilar ko‘p. Bunday musobaqalar ham juda qiziqarli kechadi.

Boburni safdoshlari yaxshigina sportchi sifatida biladilar. Bu bejizga emas, uning a’lo xizmatlari, ayniqsa sport musobaqalarida faolligi qism qo‘mondonligining e‘tirofiga sazovor bo‘lib, posbon tashakkurnoma bilan taqdirlandi.

– Mening nazarimda oddiy askar Bobur Qo‘ziyev har bir sa’y-harakati bilan ismiga munosib bo‘lishga intiladi, – deydi kapitan Bahriddin Boshanov. – Uning harb ilmiga bo‘lgan qiziqishi, intilishi kuchli. U hayotini armiya bilan bog‘lashga ahd qilgan yigitlardan. Shu maqsad yo‘lida intilib kelmoqda. Oliy harbiy bilim yurtiga kirib o‘qishni niyat qilgan. Uning kelajakda barcha havas qiladigan, Qurolli Kuchlarimizning faxri bo‘lgan posbonlardan biri bo‘lishiga ishonaman.

BIR YIGITGA QIRQ HUNAR

Oddiy askar Mirzamo‘min Qodirov Farg‘ona viloyatining Yangiarab qishlog‘ida tug‘ilib o‘sgan. Ko‘plab qishloq bolalari kabi bolalikdan mehnatsevar, uncha-muncha qiyinchiliklarni pisand qilmaydigan bo‘lib ulg‘aydi. Bu Vatan oldidagi farzandlik burchini sharaf bilan o‘tashiga qo‘l keldi.

Askar yigitning ota-onasi Musharrafjon aka va Muborakxon opalar farzandlariga shunday tarbiya berdilarki, ularning har biri bolalikdan hunar egasi bo‘lishga, hunarni ardoqlashga o‘rganib voyaga yetdilar. Mirzamo‘minning a’lo xizmatlari tufayli kelgan minnatdorchilik maktubi ularni benihoya quvontirdi. Buning ustiga o‘g‘illarining shartnoma asosida harbiy xizmatni davom ettirish istagini eshitib, mamnuniyat bilan uni qo‘llab-quvvatlashlarini bildirdilar. Ota-onasining bu tariqa javobi posbon yigitni yanada ruhlantirgani shubhasiz.

Mirzamo‘minning harbiy xizmatga qiziqishida akasi Munavvarning ta’siri katta bo‘lgan. Uning armiya haqidagi taassurotlarini inisi berilib tinglardi. Armiya xizmatining yoshlarga yaratayotgan imkoniyatlarini ham yigit o‘z akasi taqdiri misolida ko‘rdi. Munavvarning oliy dargohda o‘qishi, ishga kirishida yigitlik burchini sharaf bilan o‘tagani katta imtiyozlar berdi. Ukasi esa hayotini armiya bilan bog‘lashga ahd qildi. Bu yo‘lda har qanday qiyinchilikni yengib o‘tishga tayyor.

– Oddiy askar Mirzamo‘min Qodirovning qo‘lidan kelmaydigan ish yo‘q, – deydi guruh komandiri Jamolxon Bilolov, – duradgorlik ishlarini do‘ndirib tashlaydi. Unga qarab turib bir yigitga qirq hunar kam deganlari shu bo‘lsa kerak, deb o‘ylayman. Guruhimizning ilg‘or posbonlaridan biri bo‘lish bilan birga yaxshi sportchi ham sanaladi. Posbon o‘g‘lon harb ilmida ham alohida iqtidor sohibi ekanligini ko‘rsatib kelmoqda.

YAXSHILARGA ERGASHIB

– Men Qashqadaryo viloyatining Chiyal qishlog‘idanman, – deydi oddiy askar Lazizbek Usmonov. – Shu qishloqlik Ro‘zmat bobo Ko‘charovning farzandlariga bolalikdan havas qilib kelaman. Ularga nafaqat men, balki butun qishloq yoshlari havas qilishsa kerak deb o‘ylayman. Chunki u kishining deyarli barcha farzandlari sharafli kasb egalari – ofitserlar. Biz qishloq yigitlari ofitser Ilhom aka Ko‘charov ota-onalarini ziyorat qilishga kelganlarida soatlab oldilarida o‘tirib, suhbatlarini tinglar edik. Harbiy xizmatga qadar Chiroqchi tumanidagi iqtisodiyot kasb-hunar kollejini tamomladim. Kelajagimni armiyasiz tasavvur qila olmayman. Ofitser bo‘lishni, mening ortimdan ham qishloqdosh ukalarim ergashishlarini orzu qilaman.

Lazizbek orzulariga yetishadi, deb o‘ylayman. Sharafli kasbga mehri baland, topshiriqlarni o‘z vaqtida uddalaydigan, intiluvchan posbon har doim safdoshlariga o‘rnak bo‘lib keladi. Komandirlari undan mamnun ekanliklarini, unga ishonishlarini alohida ta’kidlaydilar.

– Bugun Qurolli Kuchlarimiz safiga posbonlarni g‘oyat jiddiy sinovlar orqali saralab olinayotgani barchamizga ma’lum, – deydi kapitan Mansur Xolmonov. – Bugun shartnoma asosida harbiy xizmatni davom ettirish istagida test imtihonlari topshirayotgan yigitlarimiz muddatli harbiy xizmatga qadar ham bir qator murakkab sinovlardan o‘tganlar. Bugungi kundagi jarayon uning takrori bo‘lmay, balki saralarning ham eng sarasi tanlab olinadigan o‘ziga xos tanlovdir.

Ha, o‘tgan davr mobaynida murakkab shakllanish jarayonida professionallashgan milliy armiyamiz o‘z saflariga faqat eng sara o‘g‘lonlarni qabul qiladi. Zero yurt himoyasidek muqaddas vazifa o‘tyurak, jasur, har tomonlama barkamol insonlarga xos.

Inobat IBROHIMOVA,
«Vatanparvar» muxbiri.
Kapitan Yoshin HAKIMOV suratga olgan.



ОИЛА ГУЛШАНИ

НУРЛИ ХОНАДОН



Намунали ҳарбий оилалар ҳақида сўз кетганда Тошкент ҳарбий округи ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Жамила Ғаниева офицер Амрилло Сайфиевлар хонадонини биринчи бўлиб тилга олди.

– Оила бекаси Ирода Бобомуродова ҳам Қуролли Кучлар хизматчиси. Ҳарбий қисм алоқа бўлимида анча йиллардан буён хизмат қилади, – фикрига изоҳ берар экан, ушбу оила ҳақида маълум маълумотлар бериб ўтди у. – Ўғил-қизлари ҳам барчага ўрнак. Иқтидорли қизлари Индира Сайфиева ҳақида «Ватанпарвар» газетасида алоҳида мақола эълон қилинган. Бундай аҳил, намунали ҳарбий оила ҳақида қанча ёзилса, шунча кам.

Ҳарбий округдаги кўплаб ҳарбий оилалар ичида бундай эътирофга сазовор бўлиш осон эмас, албатта. Бўлинма бошлиғи билан суҳбатдан сўнг ушбу оила билан яқиндан танишиш истаги бизни офицер Сайфиевлар хонадонига етаклади.

Қўмондонлик томонидан берилган кўп хонали шинам уйдаги замонавий жиҳозлар ушбу оиланинг тўкин ва ободлигидан далолат бериб турибди. Бизни очиқ чеҳра билан қарши олган хонадон бекаси Иродахон оиласи ҳақида сўз юритар экан, қўлимизга бир нечта расмлар альбоми тутқазди.

– Амрилло ака билан оила қурганимизга йигирма олти йилдан ошди. Икки қиз ва бир ўғлимиз бор. Лекин ҳозир улар бағримиздан йироқда, – дея оила альбоми орқали уларни таништира бошлади. – Катта қизимиз Абира рус тили ўқитувчиси. Айни дамда у ҳам ҳарбий оила бекаси. Яъни турмуш ўртоғи Бобомурод Ҳамроев ҳарбий учувчи. Иккинчи қизимиз Индира Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг француз филологияси факультетини имтиёзли битириб, ҳозирда Франциянинг Ница шаҳрида ўқишини давом эттираяпти. Ўғлимиз Севинчбек эса лицей-интернат ўқувчиси. Унинг орзуси ҳам келажакда зиёли инсонлар қаторидан жой эгаллаш. Албатта, хонадонимиз фаровонлиги ва фарзандларимнинг интилувчан, билимдон бўлиб вояга етишишларида ҳарбий оилалар сафида эканлигимизнинг ўрни катта. Чунки ҳар бир йигит-қиз оиласига муносиб бўлишга интилади.

Кўзларида бахт кулиб турган нурли хонадон бекасининг дилида кечаётган фикрларни сўзсиз ҳам тушунса бўлади. Негаки, ота-она учун фарзандлари камолини кўриш катта бахт. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат эса файзли хонадонни эл назарига етказади. Иродахон билан суҳбат давомида шуни англаб етдикки, уларнинг оиласи меҳру муҳаббат устуворлигида яратилган. Ва бу меҳр туйғулари биргаликда босиб ўтилган йиллар давомида янада мустаҳкамланган. Буни бўш пайтлари шеърлар машқ қилиб, орзуларини сатрларга жо қилишга иштиёқманд оила бекасининг умр йўлдошига атаб ёзган ушбу сатрларида ҳам кузатиш мумкин.

Сиз бутун дунёнинг шодлигин йиғиб,
Қалбимга жо этган муҳаббатимсиз.
Оғир сўқмоқларда елкадош бўлган,
Баҳорим, борлиғим, ширин бахтимиз.
Сизни ардоқлайман азизим, жоним.
Бор бўлинг умримнинг фаслларида.
Сизсиз татимагай ҳар ширин оним,
Яшайлик муҳаббат қасрларида...

Хизматдан қайтган оила беги – Амриллонинг даврамизга қўшилгани эса суҳбатимизни янада жонлантирди. Маълум довонларни босиб ўтган қайси бир ҳарбий оилада бўлмайлик бир ҳақиқатни ҳис қиламиз, ҳар гал. Яъни улар хизмат бурчи сабаб юртимизнинг турли гўшаларида истиқомат қилиб, турли шароитларда яшаб халқимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мустақиллигимиз барқарорлиги учун муносиб ҳисса қўшишган ва матонат ила хизмат қилиб келишмоқда.

– Касбини севган, меҳр қўйган ҳар қандай инсон борки куч-ғайрат, иштиёқ ила хизмат қилади, – дейди малакали офицер шу ҳақда сўз кетар экан. – Айниқса, бизнинг вазифамиз Ватан ҳимояси экан, ҳар қандай шароитда эл тинчлигига муносиб ҳисса қўшишга шай турмоғимиз шарт. Мен ҳам оилам билан турли гўшаларда истиқомат қилдим. Ҳар доим турмуш ўртоғим менга муносиб елкадош бўла олди. Шунинг учун хизматда эришган ютуқларимда унинг ҳам ҳиссаси, ўрни бор. Мана, айни дамда ҳам иккимиз бир-биримизга суянчиқмиз. Чунки фарзандларимиз биздан йироқда.

Ҳа, оиланинг илм йўлини танлаган ўғил-қизлари гоҳо улардан айро яшашди. Чунки ҳаммалари дастлаб Бухоронинг Ғиждувон туманидаги лицейда сабоқ олишган. Шунинг учун оила бошлиқлари фарзандларини илмли, зукко бўлишларига замин яратган ушбу лицей раҳбари тажрибали педагог Саид Раҳмоновга алоҳида миннатдорчилик билдириб ўтишди.

Инсоннинг эришган ютуқлари ҳақида сўз кетганда ота-оналарни ёдга олмай илож йўқ. Чунки фарзандлар камолида улар берган тарбия муҳим ўрин тутади. Амрилло ва Иродахоннинг падари бузруквори ва волидаси Хайрулло ака ва Ҳурият ая, Насулло ака ва Зулфия опалар ҳақида ҳам мароқ билан суҳбатлашдим.

Биз ушбу нурли хонадондан ширин таассуротлар ила қайтдик.

Зулфия НОСИРОВА.
Убайдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ суратга олган.

Саломатлик посбонлари – курсантлар ҳузурида

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида тиббиёт хизмати мутахассислари билан учрашув бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Нурия Тўриева етакчилигидаги соҳа мутахассислари бўлажак офицерларга бугун юртимизда соғлом турмуш тарғиботига кенг эътибор қаратилаётгани ва бунинг миллат келажаги учун нақадар аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Анжуман давомида шунингдек, оилада тиббий маданиятни оширишнинг долзарблиги, катта ҳаёт остонасида турган ёшларга эътибор қаратиши лозим бўлган тавсиялар, турли иллатлардан эҳтиёт бўлиш чоралари ҳақида ҳам гапирилди.



Дарҳақиқат, инсон учун энг зарур нарса – бу соғлиқдир. Фақат соғлом одамгина давлат ва жамият учун фойда келтиради, ўзи, оиласи, яқинлари ва туғилиб ўсган азиз диёри равнақи учун улкан ишларни амалга оширишга қодир бўлади. Агарда бирор жойимиз сал оғриб ёки тобимиз қочиб турган бўлса, бу албатта, дилимизни хира қилиш билан бир қаторда бажараётган ишимизга ҳам халал бериши тайин. Борди-ю, хасталик бир умр безовта қилса-чи? Бунинг нақадар жиддий экаҳлигини тушуниб олиш қийин эмас. Шу боис ҳам хасталикни даволагандан кўра унинг олдини олган минг бор афзалдир.

Учрашув давомида бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Шунингдек, айрим оғир, насл сурувчи хасталиклар ва унинг келиб чиқиш манбалари, бундай дардга чалинмаслик учун эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар ҳақида чуқур маълумотлар берилди.

– Ўтказилаётган бу каби учрашув ва илмий-амалий анжуманлар аввало Юртбошимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва «2009 – 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидандир, – дейди Нурия Тўриева. – Бугун бу борада юртимиз миқёсида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Соғлом авлодни дунёга келтириш ва аёлларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш учун уларни ҳомиладорлик давридаёқ тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Бундай назорат-текширувларида ҳомиланинг ривожланиш жараёни қандай кечаётгани мавжуд скрининг марказларида аниқланаяпти. Боланинг соғлом туғилиши ва ўз навбатида онанинг ҳам саломатлигини доимий назорат қилиб бориш учун бу каби назорат-текширувлари катта қулайлик яратади. Албатта, бу каби маълумотларни эрта-индин оила қуриш арафасида турган ва оиланинг асосий таянч устуни ҳисобланган курсантларимизнинг яхши билишлари мақсадга мувофиқдир. Зеро оила қўрғони бўлган йигитларимиз ўз жуфтларини қанчалик авайлаб-асраса ва парвариш қилса, унинг саломатлиги йўлида қайғурса, бу ўз ҳаётларининг давомчилари бўлган туғилажак фарзандларининг жисмонан ва маънан соғлом дунёга келишини таъминлашлари демакдир.

Тадбир давомида шунингдек, Саломатлик ва тиббий статистика институти Самарқанд вилояти филиали директори Лайло Алматова посбонларга яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва унинг салбий оқибатлари ҳамда гиёҳвандлик, насл сурувчи руҳий хасталиклар ва уларнинг соғлом турмуш тарзига кўрсатадиган таъсирлари ҳақида гапириб берди. Шунингдек, мавзу юзасидан тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

– Бугунги тадбирдан ғоят зарур ва қимматли маълумотлар олдик, – дейди билим юрти тўртинчи босқич курсанти Давлат Қодиров. – Айниқса, оила қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш зарурати ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг кўнгилсизликларга олиб келишини яхши тушуниб етдик. Мавзуга доир видеоролик тайёрланган ҳам маълумотларни теранроқ тушунишимизга ёрдам берди.

Дарвоқе, бугун ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳам тиббий таъминотини яхшилаш, стационар ва амбулаторияларда даволанишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида қўшинларнинг тиббий таъминоти яхшиланиб, армияда шахсий таркиб саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда олға силжиш кузатилмоқда. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ҳарбий-тиббий ҳамда санаторий-курорт хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, тиббий муассасаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам салмоқли даражада. Шу мақсадда даволаш муассасаларини замонавий тиббиёт техникаси ва юқори технологияли жиҳозлар билан таъминлаш ишлари мунтазам равишда олиб борилаяпти. Ҳарбий шифохоналарга янги тиббий ва стоматологик ускуналар, физиотерапевтик аппаратлар ва кўплаб бошқа жиҳозлар харид қилиниб, улардан муваффақиятли фойдаланиб келинмоқда.

Кўрилаётган бу каби чора-тадбирлардан кўзланган бош мақсад ҳам аввало, инсон омилига, унинг соғлом, фаровон ҳаёт кечиришига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Дилшод ҲАКИМОВ.
Муаллиф суратга олган.

ОГОҲЛИК

Ёнғин хавфсизлиги ойлигида

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЭЪТИБОР

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида ўтказилаётган тадбирларда юрт посбонлари ҳам фаол иштирок этиб, ҳарбий қисм ва муассасаларда, билим юртлари ҳамда ҳарбий шаҳарчаларда ёнғин хавфсизлигини янада кучайтириш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириб келишмоқда.

Маълумки, қиш фасли кириб келиб, об-ҳавонинг совий бошлаши туфайли турли иситиш мосламаларига эҳтиёж ортади. Бундай вазиятда носоз электр воситалари ёки иситиш ускуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибатида осонгина ёнғин келиб чиқиши мумкин. Соҳа ходимлари шу боис ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишни, газ ва электр ускуналарини зинҳор очиқ ёки назоратсиз қолдирмасликни таъкидлайдилар. Шунингдек, боғча ва мактабларда ўтказилаётган учрашувларда келажагимиз ворислари бўлган ёш авлоднинг хавфсизликларини ўйлаб, уларга ҳар хил пиротехника воситаларидан эҳтиёт бўлиш, ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай нарса-буюмларга ўзбошимчалик билан тегмаслик зарурлиги тушунтирилмоқда.

– Вазирлар Маҳкамасининг фармойиш, Мудофаа вазирининг тегишли буйруғига мувофиқ, хавфсизлик чораларини мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий шаҳарча аҳли орасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кенг олиб бораяпмиз, – дейди Самарқанд гарнизони ёнғин хавфсизлиги ва қутқарув хизмати бошлиғи офицер Дмитрий Ким. – Бу борада қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги хизмати билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Жумладан, барча ҳарбий қисм ва муассасаларда, ҳарбий шаҳарча ва унинг ҳудудидаги мактабгача таълим муассасасида ёнғин хавфсизлигини кучайтириш бўйича тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Масъул шахсларга ёнғин хавфсизлигини бартараф этиш ва ундан ҳимояланиш бўйича йўриқномалар берилиб қўшимча машғулотлар ҳам ўтказилмоқда. Шаҳарча аҳлига хавфсизлик чоралари бўйича «Эслатма»лар тарқатилди. Посбонларимиз ва маҳалла аҳлининг билимларини мустаҳкамлаш учун улар иштирокида шартли ёнғин ўчириш машғулотларини ўтказиб келмоқдамиз. Айтиш мумкинки, офицерлар Собир Холиқулов, Илҳом Бегимқулов ва Анвар Ҳакимовлар хизмат қилаётган ҳарбий қисм ва муассасалар ойлик тадбирнинг энг илғорларидан саналади. Шунингдек, ҳарбий шаҳарчадаги «Ватанпарвар» маҳалласи оқсоқоли истеъфодаги подполковник Инъомжон Тўйчиев ҳам энг фаол ҳамкорларимиздан.

Ҳа, ёнғин содир бўлишининг олдини олиш – аввало, фуқароларимизнинг осойишта турмуш кечиришларини таъминлаш ва шу қаторда ҳарбий ва давлат мулкларига зарар етишининг олдини олиш демакдир. Шу боис ҳам мазкур тадбир бутун республикамиз бўйлаб, кенг миқёсда ўтказилмоқда. Посбонларимиз ҳам Ёнғин хавфсизлиги ойлигида уюшқоқлик билан қатнашиб, билим ва кўникмаларини оширмоқдалар.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.



Долзарб мавзу

ТИЛСИЗ ЁВДАН ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

ЁНҒИН ХАВФИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Тинч ва осойишта ҳаётга не етсин. Баъзида кунимиз қандай ўтганини сезмай қоламиз. Шукрки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Эрталаб ишга, ўқишга отланамиз. Боғчада қолдирган болангиздан кўнгил хотиржам. Туш пайти байрам тадбирида қатнашиш керак. Кечқурун қариндошингиз тўйга айтган. Ҳаётнинг гўзаллиги шу эмасми?

Бундай тантаналар осойишта элга, бунёдкор халққа ярашади. Куни кеча Бош қомусимизнинг 17 йиллиги бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Энди Янги йилни кўтаринки руҳ, катта қувонч билан кутиб олиш тараддудидамиз.

Лекин ана шундай тўй ва тантаналар, орзиқиб кутиладиган байрамлар баъзида оддийгина масъулиятсизлик, ҳушёрликни йўқотиш, ёнғин ёхуд техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик оқибатида катта фожиага айланиб кетиши ҳақида ҳамма вақт ҳам бош қотиравермаймиз. Ахир фожиа юз бериб бўлганидан кейин кўз ёш тўкиб, фарёд чекишдан не наф?

Афсуски, бундай кўнгилсиз воқеаларга кўпгина мамлакатлардан мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Россия Федерациясининг Пермь вилоятидаги тунги клублардан бирида рўй берган фожиани олайлик. Ахборот маҳкамалари тарқатаётган сўнгги маълумотларга кўра, келиб чиққан ёнғин оқибатида қурбон бўлганлар сони 140 нафарга яқинлашган. Оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, мазкур фожиани келтириб чиқарган сабаблар охир-оқибат эътиборсизликка, масъулиятсизликка, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этмасликка, фавқулодда ҳолатларда фуқароларни бинодан олиб чиқиш, хавфсиз жойга кўчириш чора-тадбирлари ўз вақтида кўрилмаганига бориб тақалмоқда. Демак, шу ишларга мутасадди бўлганлар ўз вазифасини виждонан бажармаган.

Янги йил байрами яқинлашгани сайин оммавий тадбирлар кўпайиши табиий. Хўш, биз яшайдиган маҳалла, туман, шаҳар ҳудудидаги жамоатчилик жойларида, ресторану қаҳвахоналарда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя этилаяптими? Оллоҳ ҳам эҳтиёт бўлганни асрайди, деган гап бекорга айтилмаган.

Яна бир бор ўйлаб, суриштириб кўрайлик: фарзандларимизга тушлик учун берилган пул пиротехника воситалари билан ноқонуний савдо қиладиган айрим "тужжор"ларнинг ҳамёнига бориб тушмаяптими? Бола бола-да: ўйинидан ўймоқ чиқиши мумкинлигини ҳар доим ҳам англаб етавермайди улар. Янги йил байрами арафасида ўнлаб болалар пиротехника воситаларини ўйнагани туфайли турли даражадаги куйиш жароҳати билан шифохоналарга ётқизилиши сир эмас. Қиш мавсумида аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари янада кучайтирилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, одамлар хавфсизлигини, саломатлигини асраш мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Президентимиз ташаббуси билан жорий йилда қабул қилинган "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва бу тилсиз ёвга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларнинг яхлит қонун йўли билан тартибга солингани бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Қонунда ёнғин хавфсизлиги хизмати билан бир қаторда давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар ва хўжаликларда, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бошқача айтганда, ёнғин хавфсизлиги масаласи ҳар бир фуқаро фаолияти билан бевосита дахлдор. Дарҳақиқат, қаерда бўлмайлик, уйдами, ишдами, жамоат жойидами, ёнғин хавфсизлигининг таъминлангани хотиржамлигимиз гаровидир. Бунинг учун барча биргаликда ҳаракат қилиши лозим.

Юртимизда айни қиш фасли аввалида ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилишининг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 ноябрдаги фармойишига биноан мамлакатимизда бу йил ҳам 23 ноябрдан 23 декабргача ёнғин хавфсизлиги ойлиги эълон қилинди. Ҳавонинг совий бошлаши турли иситиш воситаларига бўлган талабни оширади. Бундай вазиятда ана шундай мосламалардан нотўғри фойдаланиш ёки носоз электр иситиш асбобларини ишлатиш ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Жорий йилнинг ўтган даврида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари тегишли идоралар билан ҳамкорликда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида 32 мингдан зиёд текшириш ва мониторинг ўтказди. Тадбирлар жараёнида аниқланган камчиликларнинг бартараф этиш чоралари кўрилди. Бундай қоидабузарликларга йўл қўйган масъул шахсларга тегишли равишда жарима солинди.

Ойлик доирасида бу каби чора-тадбирлар янада кучайтирилмоқда. Идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар объектлари, шунингдек, уй-жой фонди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирилиши шарт. Ёнғин хавфсизлигига оид тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтириш мақсадида реклама воситаларидан унумли фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Чунки аксарият бино ва иншоотларга ўрнатилган, учқун ёки аланга чиққанда дарҳол қўлланилиши лозим бўлган ускуналардан қандай фойдаланиш мумкинлигини ҳамма ҳам билавермайди. Аслида бу ҳам лоқайдликнинг, эътиборсизликнинг оқибати.

Халқимиз ёнғинни тилсиз ёв деб атайди. Бу эса ундан ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак деганн. Ёнғин чиқишига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

СИНОАТЛИ ДУНЁ СИНОВЛАРИ

(Воқеий ҳикоя)



Сожида ая бугун тўқсон уч ёшни қаршилаяпти. Атрофида парвона бўлаётган фарзандларию набира, эваралариға қараб кўзлари ёшланади. Суюкли момога маҳалла аҳлининг меҳру муҳаббати эса янада ўзгача. У умр йўлдоши Аҳмаджон ака билан олтмиш йил умргузаронлик қилди. Аслида инсон умри йиллар билан ўлчанмайди. Яқинларинг ва эл муҳаббатига эришиш учун эзгулик йўлининг машаққатли довонларини босиб ўтишга тўғри келади. Ҳа, бу йўлда Сожида аянинг бошидан не кунлар ўтмади. Кўз олдида гўзал ва навқирон, бахтли онлари гавдаланди-ю, чуқур хўрсинди у.

... – Сожида, сенга айтадиган гапим бор эди, – қўшни маҳаллалик Аҳмаджоннинг сирли қилиб айтган гапларидан қизнинг юрагига ҳаяжон югурди, юзлари ним қизарди. Чунки кўпдан буён унинг ўзига бефарқ эмаслигини сезиб юрарди у. Сожида йигит нигоҳидан кўзларини олиб қочар экан, унга қандай жавоб қайтаришни билмасди.

– Сени холироқ жойда учратиш учун кўп фурсат кутдим, – қизнинг ер чизиб уялиб турганлигини кўриб дадилланди йигит. – Ҳаётда ҳар бир инсон ўз жуфти билан яратилган дейишади. Неча йилдирки, тақдиримга битилган жуфтим фақат сен бўлишини тилайман. Нима демоқчи бўлганимни англагандирсан. Ёш бўлганинг учун бу ҳақда сўз очмаган эдим. Мана, ўн еттига тўлдинг. Агар рози бўлсанг уйларингга совчи юбораман.

Аҳмаджоннинг андиша билан айтган дил изҳорига Сожида итоаткорона бош эгиб турар экан, бир оғиз ҳам сўз айта олмади. Чунки унинг ҳаё остида ним жилмайиб туриши, йигит юрагини аллақачон забт этиб улгурган кўзларидаги сеҳр жавоби қандай эканлигини англатиб турарди.

Кўп ўтмай икки ёшнинг тўйи бўлиб ўтди. Сожида тўйдан кейингина севиш, севилиш бахтининг қай даражада юксак туйғу эканлигини теран ҳис қилди. Бахтиёр жуфтлик узукка кўз қўйгандек бир-бирига жуда муносиб эди.

Оила фарзанд билан тўкин, фарзанд билан обод ва барқарор. Айниқса, келинлик либосини кийган аёл зоти борки, илк орзусини фарзанд билан боғлайди. Чунки ҳазрати аёлни азизу мукаррам ва улуғ қилган оналик шарафидир. Сожида ҳам тўйдан кейиноқ гўё оналик остонасига қадам қўйгандек, ўзидаги ҳар бир ўзгаришга эътибор бера бошлади. Негаки, ҳаётию кўнгил мулкининг султони бўлмиш Аҳмаджон кўп фарзандлари бўлишини ният қилган эди-да. Шунинг учун севимли ёрига тезроқ хушхабар етказиш илинжи бир зум бўлса-да, келинчакни тарк этмасди. Аммо ҳаётда инсоннинг барча орзуси ҳам амалга ошавермайди. Орадан ойлар, йиллар ўтди. Сожида ҳомиладор бўлишни қанчалар интиқ кутмасин, ҳар гал ноумид бўлиб қоларди. Бироқ у она бўлишдек ширин орзу билан яшар, шифокору табибларга боришдан чарчамасди. Аҳмаджон севимли аёлининг кўнглига қарар, қайнона-қайнотаси ҳам измиларидан чиқмаган севимли келинларини дуо қилиш билан банд эдилар.

Бу орада иккинчи жаҳон уруши бошланиб, Аҳмаджон эл қатори фронтга отланди. Суянган тоғини урушга кузатаётган Сожида оила қуришганига етти йил бўлса-да, унга фарзанд туғиб бермаганлиги учун ўзини гуноҳкор билиб, ёрининг кўксига бошини қўйганча ҳўнграб йиғлаб юборди. Аҳмаджон эса:

– Фронтдан қайтсам бир этак болаларимиз бўлади ҳали. Бунинг учун сен ўзингни асрашинг керак. Ота-онам ҳам сенга омонат, – дея таскин сўзлар билан унинг бошини силади.

Ўз навбатида, ёлғиз ўғил бўлганлиги учун ортида бир зурриётсиз жанггоҳга отланаётгани йигит қалбини ҳам эзиб турарди.

Уруш бошлангач, кўп ўтмай юртда қийинчилик бошланди. Очарчилик азоби чет қишлоқларда қаҳатчиликка уланди. У ўлат сингари кексаю ёшнинг ёстиғини қуритиб борарди. Юртга келган бу офат Сожиданинг қайнона-қайнотасини ҳам четлаб ўтмади. Дастлаб қайнотаси, кейинчалик қайнонаси оламдан ўтди. Бу кунлар унинг ҳаётида энг оғир дамлар сифатида муҳрланиб қолди. Шу орада жангда оғир яралар бўлган Аҳмаджон қишлоққа қайтди. Сожида яримжон ҳолда бағрига қайтган жуфти ҳалолини оёққа тургунга қадар худди ёш боладек парвариш қилди, ўзи емай едирди. Бунинг учун кечаю кундуз тиним билмай ишлашига тўғри келди.

Йиллар – елдирим шамол, дейишади. Икки ёшнинг оила қурганига ўн тўрт йил бўлди. Ўтган вақт мобайнида улар ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, оғир кунларда бир-бирига елкадош, меҳру садоқатлари зиёда, рўзғори бут, эл назаридаги оилага айланишди. Бироқ бу хонадон ҳамон гўдак нафасига зор эди. Ва ниҳоят, текширишлар жараёнида Сожиданинг фарзанд кўрмаслиги аниқланди. Аҳмаджон бу ҳолатни оддийгина қабул қилди.

– Сен бундан асло сиқилма. Қанча дунё таниган инсонларнинг бефарзанд ўтганини эшитганман, – деди у йиғидан кўзлари қизариб кетган ғамгин қиёфадаги хотинига боқиб. – Агар истасанг бола асраб оламиз. Фақат ўзингни қўлга олгин.

Сожида бунга жавобан аста бош чайқади.

– Йўқ, бундай қилолмайман. Шунча йил бахтингизга зомин бўлганим ҳам етади. Инсоннинг ортида албатта зурриёди қолиши керак. Сиз фарзанд кўрадиган аёлга уйланишингиз шарт. Бўлмаса бир умр виждон азобида қийналиб яшайман.

Аҳмаджон қанча тортишмасин, баҳслашмасин, бирга яшашлик қарорида қатъий турмасин, Сожида сўзидан қайтмади. Шу куни иккиси ҳам айрилиқнинг аччиқ азобини ҳис қилган ҳолда уйқусиз тонг орттиришди. Аёлини эрта тонгдан кийим-кечакларини йиғиштира бошлаганини кўрган Аҳмаджон унинг қўлидаги нарсаларини тортиб олиб, ерга улоқтирди-да:

– Сени ҳеч қаерга қўйиб юбормайман. Энг яхши дўхтирларга олиб бораман. Худо фарзанд берса берди, бўлмаса умримизнинг охиригача бир-биримизга суяниб яшаймиз, – деди кўзида ёш билан Сожидани бағрига босар экан.

Франциялик қария Ив Масон Парижда ўтказилган аукционда Эйфель минораси зинасининг энг баланд оралиғини кейинчалик зинапояларга бўлиб сотиш учун 85 минг еврога харид қилди, деб хабар беради РИА «Новости». Густав Эйфель томонидан 1889 йилда яратилган ўзига хос винтли айланма зина 1983 йилда Эйфель минорасидан фойдаланиш жамияти (SETE) томонидан демонтаж қилинган, яъни 24 қисмга ажратилиб, улардан 4 таси Франция музейларига тақдим этилган, қолган 20 та қисми эса миноранинг иккинчи қаватида ўтказилган аукционда сотилган. «Мен харид қилган қисм икки қават оралиғи бўлиб, унда 40 та зинапоя бор. Агар мен уларни алоҳида бўлиб сотсам бутун оралиқни сотиб олиш учун ўн минглаб евро сарф қила олмайдиган 40 киши учун яхши иш қилган бўламан», – деди Ив Масон журналистлар билан суҳбатда.

КИМЁГАРЛАР ЛОК СИРИНИ АНИҚЛАШДИ




Антонио Страдивари скрипкаларининг такрорланмас садоси кўп йиллардан буён тадқиқотчиларга тинчлик бермай келаяпти. Тахминлардан бирига кўра, 93 ёшли уста 1737 йилда ўзи билан қабрга олиб кетган сир скрипканинг алоҳида локи билан боғлиқ, деб ҳисобланарди. Европалик олимлар охири унинг таркибини аниқлашга муваффақ бўлишди. Франция ва германиялик бир гуруҳ кимёгарлар француз Жан-Филипп Эшар раҳбарлиги остида ўта замонавий асбоблар ёрдамида Страдивари сирларидан бирини таҳлил қилишди. Тадқиқотлар 4 йил давом этди. Натижада скрипкаларнинг такрорланмас садосига лок умуман алоқадор эмаслиги аниқланди. Чунки лок оддий бўлиб, унга ҳеч қандай қўшимчалар қўшилмагани тасдиқланган.

МУСИҚАЛИ ЧАНГЮТКИЧ



Electrolux компанияси динамиклар ва iPod учун порт билан жиҳозланган чангютгич ишлаб чиқди. Ушбу янги модель мусиқани тўғридан-тўғри иш вақтида эшиттириш учун мўлжалланган, деб хабар беради Руформатор агентлиги Engadget нашрига таянган ҳолда. Шуниси ажойибки, аппарат ишлаётган вақтда мусиқани бемалол эшитиш мумкин. У шунчалик овозсизки, ҳатто хонани тозалаб туриб, телефонда гаплашиш ҳам мумкин. Унга ўрнатилган плеерни тўйинтириш чангютгичнинг ўз қуввати орқали амалга оширилади, мусиқа эса, табиийки, динамиклар орқали эшиттирилади. Ҳозирча UltraSilencer Silence Amplified сотувга чиқарилмаган. Бундан ташқари, у чегараланган миқдорда ва буюртма берган мижозлар сони етарли бўлгандагина ишлаб чиқарилади. Electrolux таҳлилчилари ўтказган тадқиқотларга кўра чангютгич билан ишлаш вақтида мусиқа эшитиш иш самарадорлиги ва сифатини оширар экан.

САРИМСОҚ ЕЙИШ ТАҚИҚЛАНАДИ



Хитойда сайёҳлар билан ишловчи экскурсоводлар ва транспорт ходимларига саримсоқ (чеснок) ейиш тақиқланди. Хитой жанубидаги Гуандун вилоятининг маъмурий маркази – Гуанчжоуда транспорт ходимларига ишдан олдин саримсоқ, пиёз ва нохуш ҳидли бошқа сабзавотларни истеъмол қилиш тақиқлаб қўйилди. Ушбу тақиқ жамоатчилик транспорти ҳайдовчилари, чипта сотувчилари, назоратчилари ва экскурсия автобуслари гидларига тааллуқли, деб хабар беради «Росбалт». Бу тақиқлаш шу ҳудудда яшовчилар ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Кўпчилик уни маъқуллаган бўлса, баъзилар транспорт ходимларининг «ўзига ёққан нарсани ейиш» ҳуқуқини қўллаб-қувватламоқда. Бундан ташқари, саримсоқ ва пиёзга анъанавий тарзда грипп касалликларига қарши самарали восита сифатида қаралади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ



САЙЁРАМИЗ САДОСИ



Мальдив ороллари хавф остида

БМТнинг Копенгагенда бўлиб ўтаётган иқлим ўзгаришлари масалалари борасидаги конференциясида олимлар анча тахликали тахминларни ўртага сурдилар. Жумладан, улар яқин ўн йилликлар ичида глобал исиш натижасида сув остида қолиб кетиши мумкин бўлган бир қатор мамлакатлар тақдиридан хавфсирашмоқда. Масалан, бундай қисмат «жаннатий» архипелаг деб аталувчи Мальдив оролларини ҳам кутмоқда. Олимлар глобал исиш натижасида Дунё океани сатҳи тахмин қилинганидан икки баробар тез кўтарилиши мумкин, деган фикрни олдинга сурмоқдалар.



Автомобиль сотиш бўйича биринчи ўринда

Германиянинг Volkswagen концерни ва Япониянинг Suzuki автокомпанияси стратегик альянс яратилгани ҳақида маълум қилдилар. Экспертлар фикрича, бу битим Германия автокомпаниясига дунёда энг тез ўсиб бораётган бозорлардан бири – ҳинд бозорига кириш имконини беради. «Ведомости» газетасида ёзилишича, имзоланган дастлабки келишувга мувофиқ Volkswagen Suzuki Motor компаниясининг 19,9% акцияларини 2,5 млрд. долларга харид қилади. Немис концерни ҳозирда дунё автомобиль саноати пешқадамига айланган. Жорий йилнинг 9 ойи якунларига кўра автомобиль сотуви бўйича у Toyota компаниясини ортда қолдирган ҳолда 1-ўринга кўтарилган.



Қобулдаги портлашлар

Афғонистонда содир этилган иккита портлаш натижасида 13 киши қурбон бўлди, 40 га яқин киши эса турли жароҳатлар олди. Мамлакат пойтахти Қобул шаҳридаги Heetal Hotel меҳмонхонаси ёнида террорчи томонидан амалга оширилган портлаш натижасида 8 киши қурбон бўлган.

Афғонистон ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, террорчининг аниқ мақсади номаълум, эҳтимол, бомба Афғонистоннинг биринчи вице-президенти Аҳмад Зиё Масуд учун мўлжалланган бўлиши мумкин – чунки портлаш унинг уйи ёнида содир этилган.



Дубай шаҳри пешқадамга айланди

Бир йил ичида Дубайда уй-жой нархи 47 фоизга пасайди ва бу 2008 йилнинг тўртинчи чорагидан бошлаб 2009 йилнинг учинчи чораги охиригача бўлган даврдаги дунё бўйича энг максимал пасайиш бўлди, дейилади Knight Frank консалтинг компанияси томонидан тайёрланган уй-жой баҳоси глобал индексида. Бу борада иккинчи ўринга Эстония (35,8%), учинчи ўринга эга Литва (34,2%) сазовор бўлган, деб таъкидлайди компания таҳлилчилари. Уй-жой нархи қимматлашган давлатлар ичида эса Исроил биринчи ўринда – бу ерда уй-жой 13,7% қимматлашган.



Янги йил табрикномалари ўрнига

2009 йил якунларига кўра рекорд миқдордаги америкаликлар уй-жойларидан айрилишлари мумкин, деб таъкидлайди. Америка уй-жой бозорига алоқадор бўлган Realty Trac ташкилоти. 4 миллионга яқин оила янги йил табрикномалари ўрнига уй-жой тўловларини ўз вақтида ўтказмаганликлари учун кўчага чиқарилиб юборилишлари ҳақида хабарнома олган. Фақат ноябрь ойининг ўзида 307 мингдан ортиқ америкалик оила банк ёки бошқа кредит ташкилотидан шундай нохуш хабар олган. Бу октябрь ойидагидан 8 фоиз кам бўлса-да, йил якунига кўра 3,9 млн. оиланинг бошпанасиз қолиши Америка тарихидаги рекорд кўрсаткичга айланиши мумкин.



Кузатув кенгаши лойиҳани маъқуллади

«Роснано» давлат корпорацияси қуёш энергоқурилмаларининг янги авлодини ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини яратиш лойиҳасига инвестиция киритади, деб хабар беради «Финмаркет» агентлиги «Роснано» хабарига таянган ҳолда. Давлат корпорациясининг кузатув кенгаши лойиҳани маъқуллади. «Роснано» инвестицияси миқдори 1,29 млрд рублга тенг бўлади. Лойиҳада иштирок этувчи Швейцариянинг Module Solar AG ва «Солнечний поток» компаниялари ҳам шунча миқдорда инвестиция киритадилар. Лойиҳанинг умумий бюджети 5,73 млрд. рублга баҳоланган. Муассислар қолган 3,15 млрд. рублни ташқи инвесторларни жалб қилиш орқали топишга умид қилмоқдалар.

(www.NEWS.ru.com).

АКС-САДО

ИЗУЧАЯ ОСНОВНОЙ ЗАКОН

Минувшие 17 лет со дня принятия Конституции Республики Узбекистан в полной мере подтвердили ее жизнеспособность, достоинства, созидательный потенциал, притягательную силу и международный авторитет.

В праздничные дни в Караульных войсках МВД прошли различные мероприятия по глубокому изучению военнослужащими Основного закона страны, разъяснению им его основных положений: беседы, информации, читки и обсуждения отдельных статей Конституции, выступления лекторов, юристов, работников военной прокуратуры и местных органов власти. Так, в воинской части, где командиром офицер Ш. Исраилов, с беседами об Основном законе выступал старший преподаватель Национального университета Узбекистана Ф. Вахидов.

Во время беседы с военнослужащими подразделения офицера З. Тайланова я поинтересовался, как они знают Конституцию страны и, изучая ее, какие для себя делают выводы. Вот некоторые мнения воинов.

Сержант Акмал Юлдашев, заместитель командира группы.

– В Конституции нашей страны записано, что «Защита Республики Узбекистан – долг каждого гражданина Республики Узбекистан. Граждане обязаны нести военную службу в порядке, установленном законом». В армию я был призван из Бухарской области пять лет назад. После срочной службы решил посвятить свою жизнь профессии военного и остался в этом же подразделении на службу по контракту. Учился в ШПС Министерства обороны, а теперь стараюсь полученные знания и навыки претворять в жизнь. Считаю, что честно и добросовестно служить Родине, строго выполнять требования Конституции и законы страны – одна из важнейших и почетных обязанностей граждан независимого Узбекистана. Отрадно, что большинство наших воинов так и делают.

Рядовой Шохрух Абдуразаков, призван из города Самарканда.


– Основной закон нашей страны надежно гарантирует права и интересы молодежи, возможность получения желаемого образования, свободный выбор профессии и право на труд по избранной специальности. До призыва я закончил колледж и желаю дальше учиться в Ташкентском авиационном институте. Думаю, что это осуществится, ибо Конституция дает мне такое право. Кроме того, по окончании службы я постараюсь заслужить Рекомендацию командования, дающую право на льготное получение дополнительных баллов при сдаче экзаменов в вузы страны.

Рядовой Достон Маджидов, призван из Шерабадского района Сурхандарьинской области.

– Многие годы мой отец служит в органах внутренних дел, охраняя правопорядок и законность в стране, мирную жизнь народа. Сейчас он подполковник. Мне выпала честь служить в войсках МВД. По окончании службы я пойду работать в органы внутренних дел, обязательно буду учиться в Академии МВД, продолжу дело отца. Буду, как и он, стоять на защите чести, достоинства и интересов граждан, их конституционных прав на личную собственность и неприкосновенность.

Лейтенант Улугбек Холдоров, командир группы.

– Уже более 18 лет наша страна – свободное, независимое и суверенное государство, и это законодательно закреплено Конституцией. В ней четко сказано, что «государственная граница и территория Узбекистана неприкосновенны» и что Вооруженные Силы страны созданы «для защиты государственного суверенитета и территориальной целостности Республики Узбекистан, мирной жизни и безопасности ее населения». Воины нашего подразделения с чувством высокой ответственности выполняют свой конституционный долг. Каждый из них с большим интересом изучает Основной закон и, безусловно, делает все, чтобы в повседневной жизни быть всегда законопослушным и полезным для общества и страны человеком.



Николай ЧУРСИНОВ.

«КОНСТИТУЦИЯ ҲАФТАЛИГИ»

Конституция қабул қилинган кунининг 17 йиллиги муносабати билан республикамизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар, мулоқотлар, викториналар ўтказилди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам «Конституция ҳафталиги» дастури доирасида адлия ходимлари, ҳуқуқшунослар иштирокида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ташкил этилди, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ўтказилди. Шу билан бирга «Конституция Ватан ҳимояси ҳақида», «Конституциявий ҳуқуқ ва мажбурият», «Конституция – мамлакат тараққиёти, тинчлиги, барқарорлиги, хавфсизлигини таъминлаш кафолати» мавзуларида маънавий-маърифий дарслар, «Конституциямиз – бахтимиз қомуси» мавзуида иншолар танлови уюштирилди. Фикримиз далили сифатида Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими томонидан Тошкент ахборот технологиялар университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлиги Махсус факультетида «Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятни барпо этишда Конституциянинг роли» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий анжуманни ҳам келтиришимиз мумкин. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати Р. Зарипова, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари Миҳожиддин Мирзо, марказ бўлими мудири Ҳ. Жуманиёзова, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси З. Хидировлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятни барпо этишда Конституциянинг ўрни, мамлакат тараққиёти, тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашда Бош қомусимиз ҳуқуқий кафолат экани, шу боисдан ҳам аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш зарурлиги хусусида сўз юритдилар. «Конституция ва миллий қадриятларимиз» мавзуида маъруза қилган юридик фанлари номзоди З. Хидиров Асосий қонунимизнинг миллий қадриятларимиз акс этган ўзига хос жиҳатлари ҳақида йиғилганларга маълумотлар берди.

Вилоят ШОДИБЕКОВА,
Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими мутахассиси.

ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедрасида ҳам тадбир ўтказилди. Унда ҳарбий кафедра бошлиғи вазифасини бажарувчи подполковник Тўлқин Ҳикматуллаевнинг маърузаси тингланди. Маърузачи йиғилганлар эътиборини қуйидаги муҳим масалаларга қаратди.

Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида таркиб топган дастлабки кунлардан бошлаб Юртбошимиз ташаббуси билан эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар ва уларнинг таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилди. Таълим соҳасининг ҳуқуқий асослари бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида билим олиш ҳуқуқи ҳақида шундай дейилган:

«Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади».

Бир сўз билан айтганда, республикамизда таълим соҳасида ислоҳотлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Конституциямиз талабларини, билим олиш ҳуқуқини тўлиқ таъминлаш учун барча шароитлар яратилган. Тадбирда иштирок этган ўқитувчи ва талабалар инсон манфаатларига хизмат қилувчи Асосий қомусимизнинг ана шу жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтишди.

Майор Қамбарали АЗИЗОВ,
ТошДТУ ҳарбий кафедраси ўқитувчиси.

БОШ ҚОМУСИМИЗ ЖАМОАТЧИЛИК НИГОҲИДА

Ҳар бир оила, ҳар бир ҳамюртимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар – бу мамлакатимиз Асосий қонунида белгиланган ҳуқуқий норма ва талабларнинг амалда рўёбга чиқаётганининг тасдиғидир. Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, жамиятимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда туб ўзгаришларнинг кафолати ҳисобланади.

Эркинлик, тинчлик, дўстлик, миллатлараро тотувлик ва бахт сўзлари ҳаётимизда алоҳида маъно касб этди, эзгу ниятларимиз мазмун-моҳиятига айланди. Зеро, эзгулик, меҳр-шафқат, хотин-қизлар ва болаларни ҳурмат қилиш, энг яхши анъана ва урф-одатларимизни ривожлантириш халқимиз дунёқарашининг ажралмас қисмидир. Ушбу маънавий қадриятлар Бош қомусимизда ҳам ўз аксини топган.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ана шу мақсадда Конституция куни арафасида аҳоли ўртасида ижтимоий сўров ўтказмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қиладиган турли ёшдаги, турли миллат ва аҳоли ижтимоий қатламларига мансуб ҳамюртларимиз иштирок этмоқда.

Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари акс эттирилган Асосий қонунимиз мамлакатимизда демократик давлатнинг ташкил топишига улкан ҳисса қўшди. Бу жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровлар натижаларида ҳам қайд этилган. Ушбу маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида жамоат ҳаёти нормаларини белгилайди. Сўров жамиятимизга хос бўлган бағрикенглик асосида ривожланиш, миллатлараро ва динлараро тотувлик гояси мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси асосини ташкил этишини кўрсатди.

Конституциянинг мазкур қоидалари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов томонидан узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг тарихий ҳамда маданий қадриятлари, ўзига хос анъаналари қайта тикланмоқда.

Ижтимоий тадқиқот маълумотларига кўра, аҳоли турмуш даражаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, таълим, маданият ва бошқа йўналишларда катта муваффақиятларга эришилди. Фуқароларимизнинг фикрича, Ўзбекистон Конституцияси барча фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини тенг таъминламоқда. Сўров қатнашчиларининг таъкидлашича, (93,8 фоиз) мамлакатимизда, қайси миллат ва динга мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига тўлиқ риоя қилинмоқда.

Фуқароларимизнинг шахс ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини тасдиқловчи принципларга содиқлиги барқарор ўсаётгани кузатилмоқда. Сўровлар натижасида мамлакатимизда меҳнат қилиш, билим олиш, ижтимоий муҳофаза ва тиббий хизмат кўрсатиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, сўз эркинлиги ва шахсий дахлсизлик, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги каби нормалар таъминланаётгани аҳоли томонидан юқори баҳоланаётгани намоён бўлди. Фуқароларимизнинг аксарияти (90 фоизи) этник ва ижтимоий жиҳатдан ўзини яхши ҳис қилмоқда.

«Ўзбекистонда барқарор иқтисодий, ижтимоий ва миллатлараро муносабатларни таъминлашда қайси омил энг муҳим ҳисобланади?» деган саволга уларнинг кўпчилиги (96,5 фоизи) мамлакатимиз Президенти томонидан юритилаётган ижтимоий-иқтисодий ва миллий сиёсатни қайд этди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган қонуний кафолатлар тизимини шакллантириш жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Тадқиқот давомида олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фуқароларимизнинг аксарияти Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига риоя қилишнинг кафолати деб билади. Бу давлатимиз раҳбари фаолияти юқори баҳоланаётганининг яққол далилидир.

Мухтасар қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, жамиятимизда демократик ва миллий қадриятларга садоқат туйғуси кучаймоқда. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон халқи асосини мамлакатимиз Конституцияси ташкил қиладиган юқори даражада ривожланган ҳуқуқий давлат қуриш бўйича стратегик йўлни қўллаб-қувватлаётганидан далолат беради.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Л. СТРУННИКОВА тайёрлади.

ХОТИРА

ОЛИМНИНГ ИБРАТЛИ ОЛАМИ



Ҳар гал бағрикенг устоз, ажойиб фазилат соҳиби, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ҳақида ўйлаганимда у кишининг қалам аҳлини бир умрга ташлаб кетганига ишонгим келмайди. Биз домланинг адабий қарашлари, ҳар бир қаламкаш ижодига қанчалик хайрихоҳлик билан ёндашганини энди-энди англаб етаяпмиз, тушунаяпмиз...

Озод ака билан бўлган илк мулоқотни эсласам, ҳалигача юрагим ҳапқиради. Ўшанда "Қишлоқ ҳаёти" газетасида ишлардим. Бош муҳаррир топшириғи билан Озод Шарафиддинов уйига боришим, яқинда ёзиб тугатган "Кибриё опанинг ҳолваси" номли бадиа (эссе)сини қўлёзма ҳолида олиб келишим керак эди. Олдинига каловландим. Ахир, шундай одам билан... "Бораверинг, домла сизни кутаяпти", – деди раҳбар. Ҳаяжоним бироз босилгандай бўлди...

Дарвоза эшигини домланинг аёли Шарофат ая очди. Халқимиз Шарофат Қўшбоевани оила бекаси, таржимон, муҳаррир сифатида яхши билади. Дубляж қилинган кўплаб бадиий фильмларга Шарофат ая ё таржимонлик, ё муҳаррирлик қилганини эслатишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман.

– Асли қаерликсиз? – деди Озод ака салом-аликдан сўнг.

– Қашқадарёданман...

– Самар Нуровни биласизми? Унинг китобларини ўқиганмисиз?

Мен тутила-тутила таниқли адибнинг бир қанча асарларини мутолаа қилганимни, унинг китобларидаги бадиий ўйноқилик, образ яратишдаги ёзувчи танлаган услуб, ўзига хослик ҳақида нималардир дедим. Жавобларим қониқтирмаган бўлса керак, деган фикрда ерга қадалган нигоҳларимни домлага тикдим. Йўқ! У кишининг салобатли чеҳрасида ёруғлик пайдо бўлган, менга мамнунлик назари билан қараб турарди. Шу-шу Озод ака билан гоҳ-гоҳида жонли, баъзан телефон орқали мулоқот қиладиган, адабиёт, журналистика ва публицистика муаммолари хусусида суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим. Кузатганларим шу бўлдики, домла учун суҳбатдошнинг билими, дунёқараши, энг муҳими – адабиётга, китобга бўлган муносабати муҳим экан.

Бир куни Озод аканинг таклифи билан унинг уйига бордим. Ўша пайтлари оғир дард билан олишаётган бўлса-да, руҳияти тетик, бардам кўринарди. Салом-аликдан сўнг:

– Кеча Одил мана буни бериб юборибди, – деди қўлидаги китобга меҳрла назар ташлаганича. – Ёзувчилар уюшмасида муҳокамаси бўлибди, бордингизми?!

– Ҳа, бордим, – дедим.

– Чёрт побери, яна оёқ панд берди-да... бўлмаса...

Устоз гапира олмади. Кўз ёшларини менга кўрсатмасликка тиришди...

Суҳбатимиз мавзуси – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг "Алвидо, Марико" китоби хусусида кетаётган эди. Унда янги ёзилган ҳикоялар билан бирга, адиб ижодида муҳим ўрин тутадиган асарлар ҳам жамланган, қиёс лозим бўлса — гулдаста, эди.

Қайтар чоғимда домланинг қўлларига "Гўзаллик излаб" номли китобни тутқаздим. Бу Озод аканинг 80-йиллар ўзбек адабиётида яратилган наср ва назмни таткиқ этиш асносида ёзган илмий мақолалари тўплами эди. Устоз нималарнидир битиб ўзимга қайтарди:

"Укам Хидиралига! Ҳаётда биз излаб топа олмаган гўзалликларни топиш сизга насиб этсин. О.Шарафиддинов. 13.11.03".

Ҳозир уни китоб жавонимда алоҳида қадр-қиммат билан сақлайман, эъзозлайман... ўшанда домла мени бекорга ҳузурига таклиф этмаган экан. О.Ёқубов ижодига бағишланган "Алвидо, Марико" номли 20-25 саҳифалик мақола битган экан.

– У ёқ-бу ёғига қалам теккизиб бериб юборарсизлар, – деди ҳорғин овозда.

Уйга келиб, мук тушганча уни ўқишга киришдим. Теран таҳлил, юксак бадиий ёндашув билан битилган мақола Одил Ёқубов ижодининг образли дунёсини кўплаб китобхонлар меҳрини қозонган "Муқаддас", "Диёнат", "Оқ қушлар..." асарларининг адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида эди.

XX аср ўзбек танқидчилиги соҳасида Озод Шарафиддинов феномени ҳақида гап кетар экан, ЭЪТИҚОД ҳақида гапирмаслик мумкин эмас, деб ўйлайман. Бинобарин, эътиқоднинг ҳам турлари бисёр. Аллоҳга эътиқод, инсоннинг ўзи учун суянчиқ бўладиган инсонга эътиқоди ва ҳоказо. Домла ва у билан тенгдош авлод вакиллари қарийб чорак аср давомида коммунистик ғояларга эътиқод қўйиб яшадилар. Алалоқибат, мақоламиз қаҳрамонининг ўзи айтганидек, "Зюгановнинг маломатига қолди". Гап О. Шарафиддинов қаламига мансуб "Эътиқодимни нега ўзгартирдим?" номли бадиаси ҳақида кетмоқда.

Унда олимнинг ўзи эътиқод қўйган коммунистик ғояларнинг таги пуч ёнғоқдек мўрт бўлиб, 20 миллион собиқ комфирқа аъзоларининг ана шу ғояларга эътиқод қўйиб келганига ачиниш ҳисси ётади. Мазкур бадианинг яна бир муҳим томони шундаки, унда ўша давр кишиларининг руҳиятида жуда катта маънавий таназзул ясаган воқеий фожеалар кўз олдингизда худди кино тасмаларига муҳрланган лавҳалардек ўтаверади. Муаллиф даврнинг маънавий фожеаларини бўямайди, бежамайди. Уларни бор бўй-басти билан кўз олдингизда намоён қилган.

Менинг шахсий архивимда О.Шарафиддинов қаламига мансуб "Муашшах" номли қўлёзманинг асл нусхаси сақланади. "Муашшах" — шеърият турларидан бири ҳисобланиб, муаллиф томонидан бирор кишига бағишлаб ёзилади. Унда ҳар бир сатр, кимга бағишланса, ўша одам исмининг бош ҳарфлари билан бошланади. Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов томонидан "Озод акамга" деб номланадиган муашшах ҳар қандай муболаға, бўрттиришлардан холи, айтиш мумкинки, 70-йиллар ўзбек шеъриятининг энг нафис, энг латиф намуналаридан ҳисобланади.

О. Шарафиддинов шу шеър баҳонасида шоир ижодининг инжа оҳангларини теран таҳлил қилади. Уларга ҳассослик билан қулоқ тутади. Одатда танқидчиликда ҳар бир шеърга баҳо берилганда қофия, туроқ, вазн сингари унинг гўзаллигини таъминловчи жиҳатларигача эътибор қилинади. Домла эса бу йўлдан бормайди – мунаққиднинг синчков назари А. Орипов ижодининг беқиёс кўлами, ўтли сатрларининг қоғозга тушишига асос бўладиган далилларга, ишонарли хотираларга суянади. Кези келганда ҳаяжонини ҳам яширмайди. Айниқса, "бу маҳобатли шеърият олдида қаламимнинг нечоғлиқ ожизлигини ҳис этаман" деган сатрлари адабиётшунос олимнинг улкан қалб соҳиби эканининг исботидир.

Озод аканинг ажойиб одати бор эди. Ўзи хушламайдиган ижодкор ҳақида ёмон гапирмаса ҳам унинг бирон асарига тақриз ҳам ёзмасди. Унинг наздида ҳақиқий ёзувчи нафақат асарларида, балки ҳаётда ҳам умуминсоний ғояларга содиқ қолиши керак эди. Кунларнинг бирида домланинг уйига қўнғироқ қилдим. Салом-аликдан сўнг муддаога ўтдим:

– Фалончининг (исми-шарифи шартмас) ижодига бағишлаб бир нима ёзиб берасизми, домла? Газетанинг кейинги сонларида бериб юборамиз. Кейинги романи жуда машҳур бўлиб кетди-ку.

– Ёзмайман! – деди мунаққид қатъий оҳангда. – Минг машҳур бўлганда ҳам одам осмондамас, ерда юриши керак. Ҳозир у заминнинг об-ҳавоси камлик қилгандай осмондаги кислороддан нафас олгиси келаяпти. Лекин ҳар жойни қилма орзу деганлар...

О. Шарафиддинов атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор билан кўп йиллар устоз-шогирд, ака-ука бўлиб юргани, ўзаро суҳбатларда кўп бўлгани учунми менга бу изҳори қаҳҳорона образлилик бўлиб кўринди...

Кўп ўтмай ўша "истеъдодли ёзувчи" ўзининг зўр иқтидори билан қандай довруқ қозонган бўлса, худди шу аснодаги телбамижозлиги билан орамиздан бир умрга кетди. Биров эслади, биров эса...

Домланинг истеъдодини мисоли ёқутдек нурлантириб турадиган яна бир жиҳат бор. Бу таржимонлик. Озод ака "Тафаккур" журналида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаб юрган кезларида ҳам, "Жаҳон адабиёти" журналига бош муҳаррир этиб тайинланганида ҳам таржима билан ҳар қачонгидан кўпроқ шуғулланди. Адабиёт мухлислари Озод Шарафиддинов таржимасида чоп этилган яҳудий адиби Эврием Савиеланинг "Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан" романини ва бошқа асарларни яхши билишади. Таржималар орқали домла тилимизнинг нақадар бойлигини, инсон руҳиятида мисоли бинафшадек куртак отган туйғуларни оҳори тўкилмаган тарзда етказа олиш имкони борлигини кўрсатиб берди.

FM радиоканаллари орқали эга-кесими йўқ гапларни эшитган, баъзи нашрлардаги чала-думбул тузилган жумлаларни ўқиганда Озод ака тутоқиб кетарди.

Ўзим гувоҳ бўлган воқеа. Одатдаги иш куни тугагандан сўнг домланинг уйига қўнғироқ қилдим. Гўшакдан устознинг салобатли овози келди. Безовта қилганим учун узр сўрадим.

Биз ўша пайтларда Озод аканинг "Тоҳирий домла ким эди?" номли мақоласини пешма-пеш чоп этаётган эдик. Мен бўлим мудири сифатида қўлимдаги домла қаламига мансуб мақола қўлёзмасидаги баъзи ноаниқ сўзларни сўрадим. (Ҳар бир сўз қўлёзма билан муқобил бўлиши шарт эди! Бу қаттиқ талаб этилар, агар хато чиқиб кетадиган бўлса, ур калтак-сур калтак бориб-бориб бўлим мудирининг бошида синиши табиий эди). Суҳбат асносида шуни сездимки, домланинг нимадандир таъби хира. Охири ўзи "ёрилди".

– Чёрт побери, – деди у. – Қаёққа қарашади шу радиодагилар. Боя эшитиб ўтирсам биттаси эфирга чиқиб олиб нима дейди, денг?!

– Нима дейди, – дейман ийманиб.

– Яна саноқли сониялардан сўнг фалончи-писмадончи ижросидаги қўшиқ "жаранг сочади", дейди... Мана ўзингиз ўйлаб кўринг, қўшиқ жаранг сочиши мумкинми?!

– Ҳа, энди...

– Ҳа, эндимас! Сиз шундай десангиз, мен шундай десам... Булар умрида китоб-питоб ўқиганми, йўқми?! Менимча, қўшиқ эфир орқали "таралади", "жаранглайди", "қалбларни қалбларга туташтиради", "дил розини сўйлайди..." Мана, ифода...

Демоқчиманки, Озод аканинг синчков назаридан, билағонлигидан, қомусийлигидан ҳеч нарсани пинҳон тутиб бўлмасди.

Озод Шарафиддиновнинг бемисл ижодий жасорати, салоҳияти, маҳорати барчамизга ўрнак бўларли ҳол деб ўйлайман. У зот умр бўйи КИТОБ ва ЭЪТИҚОД устунлигини, ҳамфикрлиликни, айни чоғда ҳурфикрлиликни ёқлаб келди. Гарчи талабчан мунаққид бугун орамизда бўлмаса-да, у яратган бой илмий, бадиий мерос мангуликка дахлдордир.

Хидирали ПАНЖИЕВ.

ЁШЛАР

ИЗЛАНИШДАН ТЎХТАМАЙДИ, ОРЗУЛАРИ КЎП

Шерматовлар оиласини Фарғонанинг Бағдод туманида кўпчилик яхши танийди. Хонадон соҳиби Тоҳиржон ака тумандаги 42-умумтаълим мактабида математика фанидан, Замира опа эса рус тилидан ёш авлодга сабоқ бериб келишади. Барча уларни зиёли оила сифатида ҳурмат қилади. Ўттиз беш йилдан ортиқроқ вақт давомида болаларга таълим-тарбия бериб келаётган инсонларни туманда ким билмайди, дейсиз?! Уларнинг шогирдлари бугун жамиятнинг турли соҳаларида жавлон уриб хизмат қилмоқда. Шу туфайли халқ устозларни севади, қадрлайди.

– Халқимиз азал-азалдан маърифатга, маънавиятга жиддий эътибор қаратиб келган, – дейди Т. Шерматов. – Чунки халқнинг салоҳияти, нималарга қодирлиги айнан шу мезонлар билан белгиланади. Шу боис ота-боболаримиз имкон қадар фарзандларининг илмли бўлишига, комил инсон бўлиб улғайишига катта аҳамият қаратиб келган. Дунёдаги энг машҳур олимлар, риёзиёт ва ҳандаса илми усталари юртимизда етишиб чиққанининг сабаби ҳам шунда. Биз буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Устоз мактабда бўлгани каби оилада ҳам ниҳоятда талабчан. Фарзандларининг ўқиши, фанларни ўзлаштириши, кўпчилик орасида ўзини тутишидан тортиб, бўш вақтларида нима билан шуғулланишларигача кўздан қочирмайди. Табиийки, бундай оилада улғайган, ота тарбиясини олган болалар эзгу фазилатлар эгалари бўлиб камол топишади. Икки қиз ва бир ўғилни вояга етказаётган ота-она уларнинг ҳам зиёли, илму маърифатли инсонлар бўлиб етишишини исташади, албатта.

Элдор – оилада ўртанча фарзанд. Оиланинг ёлғиз ўғли бўлишига қарамай, унда эркалик аломатлари сезилмайди. Бу ҳам бўлса, ота-онанинг фарзанди камолини, эртага оила бошлиғи бўлиши, жамиятда ўз ўрнини топиши, юрт корига яраши кераклигини ўйлаб берган тарбиясидан.

Ўғлон умумтаълим мактабида тўртинчи синфни битиргач, ундаги илмга ташналик ва истеъдод учқунларини пайқаган ота-она фарзандининг янада пухта билим олиши учун уни Бағдод туманидаги иқтисодий фанлар чуқурлаштирилиб ўтиладиган болалар гимназиясига ўқишга юбордилар. Кичкина болакай қабул ҳайъати аъзоларининг барча саволларига бурро-бурро жавоб беради ва ўқишга қабул қилинади. Мазкур таълим даргоҳида тўққизинчи синфни битиргач, у Фарғона давлат университети қошидаги ихтисослаштирилган лицей-интернатда таҳсил олди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, олий таълим муассаси ўқув ҳамда моддий-техник базасидан фойдаланган ҳолда сабоқ бериладиган ушбу илм даргоҳида ўқиш ўғлоннинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Кўп йиллик тажриба ва малакага эга бўлган моҳир педагоглар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари билан жиҳозланган ўқув-лабораториялари, бой кутубхона – буларнинг барчаси келгусида олий ўқув юртида таҳсил олиб, етук мутахассис бўлишни мақсад қилган ўқувчининг билими мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Ниҳоят, 11-синфни битириб, қўлига етуклик шаҳодатномасини олган ўғлон орзусини амалга ошириш мақсадида Тошкент молия институтининг кредит ва иқтисод факультетига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди. Устозлари берган сабоқларни пухта ўзлаштирган, уларнинг ўгит ва маслаҳатларига қатъий амал қилган Элдорга омад кулиб боқди – у талабаликка муяссар бўлди.

Олий таълим даргоҳида иқтисод фанлари доктори, профессор Ш. Абдуллаева, доцентлар К. Мўминова, Д. Норқобилов ва бошқа кўплаб профессор-ўқитувчилар – ўз касбининг устаси бўлган педагоглардан соҳа сирларини ўрганди.

– Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши, малакали мутахассис бўлиб камол топиши учун барча имкониятлар мавжуд, – дейди банк иши кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Д. Норқобилов. – Улардан талаб қилинадигани эса берилаётган имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб фақат яхши ўқиш, пухта билим олишдан иборат. Аммо ҳамма ҳам ёшликнинг қадрини, бу давр қайтиб келмаслигини англаб етавермайди. Ёшликда амалга оширилмаган ишлар учун кейинчалик афсус чекилганида эса кеч бўлади.

Институтимизда кўплаб иқтидорли, бўш вақтларидан самарали фойдаланишга одатланган, устозлар сабоқларини мукаммал ўзлаштиришга интиладиган ёшлар таҳсил олишган. Элдор Шерматов ҳам шундайлар сирасидан. Ўғлондаги масъулиятлилик, соҳа сирларини ўрганишга бўлган интилиш, илмга ташналик таҳсинга сазовор. Талабалик кезларида турли банк муассасаларида малакавий амалиёт ўташга юборилганда ҳам у туфайли фақат миннатдорчилик эшитганмиз.

Олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаган йигит Алоқабанкка ишга жойлашди. Банкнинг пул муомаласи ва мониторинги бўлимида мутахассис сифатида фаолият юритган ўғлон қисқа давр ичида намунали хулқи, мутахассислиги бўйича билимларни чуқур билиши, соҳага оид қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятидан бохабар эканлиги, юклатилган вазифани сифатли ва ўз вақтида бажаришга одатлангани билан ҳамкасблари ҳурматини қозонди, раҳбарият назарига тушди. Буни ёш бўлишига қарамай, унга масъулиятли лавозимлар ишониб топширилганидан ҳам билиш мумкин.

Барча ишлар жойида, орзулар ҳам бирин-кетин амалга ошаётир. Бироқ яна алланима етишмаётгандек, қалбда қандайдир кемтиклик бордек, туюлаверади... Бу ҳақда отасига айтганида у шундай маслаҳат берди:

– Ўғлим, қадимдан қайси оилада ўғил фарзанд дунёга келса, эл-улус эртага юрт қўрийдиган, халқини ҳимоя қиладиган яна бир паҳлавон дунёга келди, деб қувонишган. Ўғил фарзанд кўришнинг саодати ҳам шунда. Сен туғилганингда ҳам жуда қувонган, оиламиз чироғини ўчирмайдиган чироғбон, юрт тинчлиги йўлида қалқон бўла оладиган ўғлонимиз бор энди, дея ғурурланган эдик. Билгинки, Ватан ҳимоячиси бўлиш – ҳар бир эр йигитнинг муқаддас бурчи. Онанг иккимиз сенинг улғайишингни, ҳарбий либос кийишингни кўпдан орзу қилиб келамиз. Маслаҳатим – зиммангдаги ана шу бурчни тезроқ адо эт.

Шундан сўнг аскар бўлишни – Ватан олдидаги бурчни ўташни ихтиёр этди. Даставвал белгиланган синовлардан ўтишга тўғри келди. Табиийки, салоҳиятли ва билимдон йигитга бу довонни забт этиш унчалик қийинчилик туғдирмади. Муддатли ҳарбий хизматни Чегара қўшинларида ўтаган ўғлон Қуролли Кучларимизда посбонларга қаратилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишлари учун яратилган шарт-шароитларга бевосита гувоҳ бўлди. Айни дамда ўзининг ҳам ана шундай шерюрак, ёвқур ўғлонлар – юксак ишончга сазовор Ватан ҳимоячилари сафида эканлигидан бениҳоя ғурурланди. Армияда устоз офицерлар Н. Эгамбердиев, А. Каримов, сержант С. Бозоров, кичик



сержантлар Э. Мисиров, Н. Раҳимовлардан ҳарб илми сирларини ўрганди. Муддатли ҳарбий хизмат давомида ҳам шунқор ўзининг интилувчанлиги, иқтидори, Умумҳарбий низомларни пухта ўзлаштирганлиги, машғулотларда фаоллиги билан сафдошларига ҳар томонлама ўрнак бўла олди. Ўқув-йиғин машғулотларида юқори натижаларни қўлга киритган ўғлон бир неча бор қисм қўмондонининг мақтов ёрлиғи билан тақдирланди.

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган йигит яна Алоқабанкка ишга қайтди. Ҳаёт мактабининг сабоғини олган, армияда жисмонан ва маънан тобланган ўғлонга раҳбарият катта ишонч билдириб, уни банкнинг бош амалиёт маркази жамғарма амалиётлар бўлимига масъулиятли лавозимга ишга тайинлашди. Иқтидорли йигит бу ерда ҳам ўзини кўрсатгач, ташкилий-назорат қўмитаси томонидан унинг номзоди Алоқабанк амалиёт бошқармасининг Чорсу минибанки мудирлигига тавсия этилди. Кўпчилик тиришқоқ, билимли, ўз ишига пухта ёш кадрнинг номзодини маъқуллаб овоз беришди. Бугунги кунда Чорсу минибанки мудири вазифасини вақтинча бажарувчи сифатида фаолият юритаётган Э. Шерматов билдирилган ишончга муносиб эканини исботлаб келаётир.

Соҳага оид билимларни яхши ўзлаштирган, жамоада ҳурмат, эътибор топган, ёш бўлса-да, улкан ютуқларни қўлга киритиб келаётган йигитга кўпчилик ҳавас билан қарашади, унга ўхшашга интилишади. Мақоламиз қаҳрамонининг келгуси режалари, орзулари жуда кўп. У айниқса, Республика банк-молия академиясида таҳсил олишни, соҳа бўйича билимларини янада мустаҳкамлашни кўнглига тукқан.

Ҳа, юртимизда ана шундай шижоатли, юрт равнақи йўлида изланишдан чарчамайдиган ёшлар бор экан, тараққиётимиз бардавом бўлгай.

Абдуллоҳ СОБИРҚУЛОВ.

МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДИМАН

Истиқлолнинг истиқболи, эртаси, келажакнинг бунёдкори, яратувчиси – бу ёш авлоддир. Ҳаммамизга маълум, мустақиллик она тилимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш билан бирга ёшларимизга ҳам дунё эшикларини очиб берди. Ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибор, уларнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари, қўлга киритаётган муваффақиятларини кўриб, юртимиз истиқболини тасаввур этиш қийин эмас. Зеро мустақиллик, ҳурлик берган имкониятлар боис бугун қанчадан-қанча илмга чанқоқ ёшларимиз чет мамлакатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда.

Бугун мамлакатимиз жаҳонга юз тутаётган бир пайтда ёшларимиз ўртасида тил ўрганиш иштиёқи кундан-кунга ортиб бормоқда, десак муболаға бўлмайди. Халқимизда бир нақл бор: тил билган хор бўлмайди. Бунинг учун инсонда кучли хоҳиш-истак, куч-ғайрат бўлса бас. Биз учун энг қувонарлиси ҳам тенгдошларимиз орасида тил ўрганишга қобилиятли ёшларнинг кўпаяётганлигида. Ана шундай шижоаткор ёшларимиздан бири, ҳозирда Кореядаги энг нуфузли университетлардан бири бўлган Чоннам миллий университетининг магистратура факультети 4-курс талабаси Дилдора Туроновадир.

Дилдора Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида таҳсил олди. Уни корейс тилига бўлган қизиқиши бу тилни кучлироқ ва мукаммалроқ ўзлаштиришга ундади ва шу боис бу мақсадга эриши йўлида тинмай ўқиди, изланди. Унинг бошқа талабалардан ажралиб турадиган жиҳати ҳам тиришқоқ ва ўз устида мунтазам шуғулланиши ҳамда изланувчанлигида эди. Ҳаётда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор, ҳар томонлама интилувчан бўлган инсоннинг бошқалардан устунлик жиҳатлари ҳам юқори бўлади. Дилдора ҳам инсон камолоти учун зарур бўлган ушбу жиҳатларни ўзлаштириб, ота-онаси ва устозларининг ишончига сазовор бўлган билимдон ёшлардан. Маълумки, ёшларнинг келажакда мутахассис сифатида қай даражада жамиятга фойдали шахс бўлиб етишиши кўп жиҳатдан уларнинг ўзига, яъни улар танлаган йўлга боғлиқ. Чунки ана шу йўл орқали ҳар бир инсон жамиятнинг фаол аъзоси, фаровонлиги таъминланган оила соҳиб ва соҳибаси, буюк келажакнинг чинакам яратувчиси бўлади. Мана шуларни доимо ёдида сақлаган Дилдора ўзи танлаган йўлдан оғишмай, эзгу мақсадлар сари қадам ташлади.

– Университетга ўқишга кирганимда ўз хоҳишим билан корейс тилини танлаганман, – дейди биз билан суҳбатда Дилдора Туронова. – Чунки менда шу тилни ўрганишга иштиёқ кучли эди. Шу боис ўқиш давомида корейс тилини астойдил ўрганишга киришдим. 4 йил университетда корейс тилидан сабоқ олдим. Университет бу тилни кучлироқ ўрганишим учун дебоча бўлди. Бундан мен жуда хурсандман. Чунки бизга асосан Кореянинг нуфузли университетларидан келган ўқитувчилар дарс беришар эди. Эҳтимол, шу сабаб чет тилини мукаммалроқ эгаллашга эришдим. Биз талабалар машғулотлар давомида корейс ўқитувчиларимиздан ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини, тўғри талқинини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилардик. Яна дарс давомида ўқитувчиларимизнинг ташаббуслари билан шу тилда турли саҳна кўринишлари тайёрлар эдик. Бу эса билимларимизни янада мустаҳкамлаш учун катта ёрдам берди, десам янглишмайман. Университетимизда корейс тилини ўрганаётган талабалар ўртасида нутқ маданияти бўйича кўрик-танлов ўтказилиши анъанага айланган эди. Танловда қатнашувчилар фақат корейс тилида шеър, қўшиқ ёки бирор-бир мавзу бўйича эркин ҳикоя айтиб бериши керак. Голибларга Корея Республика элчихонаси томонидан турли эсдалик совғалари топширилади. Мен ҳам ушбу танловда қатнашиб, 2-ўринни эгаллаганман. Бу ютуқ мен учун катта имкониятлар эшигини очди. Чунки ўзимга бўлган ишончим ортди, янада иштиёқ билан тил ўрганишга киришдим. Яъни университетдаги дарслардан ташқари курсларга ҳам қатнай бошладим. Ўша пайтда менда Кореяда ўқишни давом эттириш истаги пайдо бўлганди. Шундай қилиб, 2006 йил университетни тамомлаганимдан сўнг Чоннам миллий университетида магистратурани ўқиш шарафига муяссар бўлдим...

Айни пайтда у мазкур университетда таҳсил олиш билан бирга журналистика соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

– Журналистика жуда қизиқарли соҳа. Чунки инсоннинг маънавий камолотида, унинг тарбиясида журналистиканинг аҳамияти катта, – дейди у. – Эътибор бераётган бўлсангиз, бугун журналистиканинг мавқеи баланд. Биздан талаб қиладигани оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш. Бунга эришиш учун эса мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар сифатини ошириш, уларни янада қизиқарли ва ранг-баранг мавзулар билан бойитишдир. Мен ҳам мана шу соҳанинг ривожига озгина бўлса-да ўз ҳиссамни қўшсам дейман. Шу боис таҳсилни тамомлаб юртимизга қайтганимдан сўнг олган билимларимни, кўникмаларимни мана шу мақсад йўлида сарфлайман. Бу менинг энг катта орзуим. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиман, ҳар бир инсон ўз келажагини ўз қўли билан яратади. Бунинг учун эса инсондан ҳаракат ва меҳнат талаб этилади. Бугун юртимизда ёшларнинг билим олишлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Мен ҳам давлатимиз томонидан кўрсатилаётган мана шундай юксак эътибор сабаб, чет элда таҳсил олиш имкониятини қўлга киритдим. Бундан жуда ҳам хурсандман. Шу боисдан ҳам ўқишни тамомлаб, ўрганган билим ва кўникмаларимни Ватанимиз равнақи учун сарфлашга ҳаракат қиламан.

Ҳа, Ўзбекистон ёшларини бугун фаровон замоннинг бахтли авлоди дейиш мумкин. Зотан, мана шундай даврда камол топаётган ёшлар қалби қайноқ, шижоатли, билимли ва юксак истеъдод эгаларидир. Шундай экан улар ўз ақлу заковатлари иқтидорлари билан мустақил Ўзбекистонимизнинг тараққиёти йўлига муносиб ҳисса қўшишларига ишонамиз.

Гулнора МУРОДОВА.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 декабрдаги фармойишига биноан жорий йилнинг 10 декабридан мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди. Ойликнинг йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти, мақсад ва вазифалари хусусида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Азиз ИНОЯТОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш масаласига доимо устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар, жумладан, болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда йўлларнинг кенг ва равонлигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Мамлакатимизда транспорт воситаларининг сони тобора ортиб бораётир. Бу юртимизда автомобилсозлик саноати ривожининг ва халқимиз фаровонлиги изчил юксалаётганининг самараси. Шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил автомашиналар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпаймоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни янада такомиллаштириш, ходимлар малакасини узлуксиз ошириш, хизмат тизимини замонавий асбоб ва техника билан жиҳозлашни тақозо этади.

Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи якуни бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили мамлакатимиз йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, содир бўладиган турли нохуш ҳолларни камайтириш борасидаги тадбирлар ўз самараларини бераётганини кўрсатади. Шунга қарамай, йўлларда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари ҳамон содир бўлаётир.

Олиб борилаётган тадбирлар натижасида шу йилнинг ўн бир ойи давомида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 2008 йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча камайишига эришилди. Аммо йўл-транспорт ҳодисаларининг сони юқорилигича қолаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Афсуски, бундай ҳодисалар оқибатида 2 минг 15 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди ва 10 минг 484 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

Таҳлиллар бундай ҳодисаларнинг олдини олиш ва камайтириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 декабрдаги фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 10 декабридан 2010 йилнинг 10 январигача давом этадиган ҳаракат хавфсизлиги ойлигини ўтказишдан мақсад ҳам айнан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Шу боис мазкур ойлик давомида комплекс чора-тадбирлар ўтказилади. Хусусан, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойлар яна бир бор кўриб чиқилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилади.

Ҳукуматимиз фармойишида таъкидланганидек, тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатади. Барча вилоятларда ойликни самарали ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Уларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор идораларнинг вазифалари белгиланди. Йўл ҳаракати қоидалари бўйича амалий машғулотлар ўтказиладиган «Болалар автошаҳарчалари» барпо этилмоқда.

Тадбир доирасида мактаблар ва болалар боғчаларида йўл ҳаракати қоидаларини янада пухтароқ ўргатишга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зотан, нохуш йўл-транспорт ҳодисаларининг муайян қисми болалар иштирокида рўй бераётгани ташвишланарлидир. 2009 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1717 йўл-транспорт ҳодисаси айнан болалар билан боғлиқ ҳолда юз берган. Бу ҳодисаларда 261 норасида ҳаётдан бевақт кўз юмди ва 1541 бола турли даражадаги тан жароҳати олди.

Бу болалар орасида тушунтириш ишларини янада яхшилаш кераклигини тақозо этади. Чунки йўл ҳаракати қоидасини барча яхши билиши ва унга тўла амал қилиши зарур. Шунинг учун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари нафақат кўчаларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этишини назорат қилмоқда, балки ўқув муассасаларида, мактабгача тарбия муассасаларида, маҳалла ва жамоат жойларида болалар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказмоқда, кенг кўламли тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Мактабларда "Ҳаракат хавфсизлиги ёш инспекторлари" клублари, "Ёш автоназоратчилар" гуруҳлари ташкил этилган. Ходимларимиз йўл ҳаракати қоидалари бўйича ўқитувчиларга мунтазам равишда кўмак бериб бормоқда. Қолаверса, ҳар йили ўтказиладиган "Диққат, болалар!", "Таътил", "Диққат, пиёда!", "Яшил чироқ" каби тадбирлар ёшларга йўл қоидаларини қизиқарли мисоллар билан тушунтиришда қўл келади.

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиши тақиқлангани, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракати чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани йўлларда хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Салоннинг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек, транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчалик билан бундай воситаларни ўрнатиш тақиқланди.

Бундай чора-тадбирлар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётир. Афсуски, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига беписанд муносабатда бўлаётган ҳайдовчилар ҳам йўқ эмас.

Ҳайдовчилар айби билан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили, аввало, ҳайдовчиларнинг белгиланган тезликка риоя этмаслиги, йўлчироқ ишораларига нисбатан эътиборсизлиги, маст ҳолда транспорт бошқариш ва бошқа қоидабузарликлар туфайли юз бераётганини кўрсатмоқда. Бу эса жойларда ўтказилаётган тадбирлар изчил амалга оширилмаётгани, маҳаллий ҳокимлик, идора ва ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдек долзарб масалага етарлича масъулият билан ёндашмаётгани оқибатидир.


Вазирлик ва идоралар томонидан назоратнинг бўшаштириб юборилгани, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг етарли даражада ўтказилмаётгани, транспорт воситаларининг техник ҳолатига эътиборсизлик оқибатида ҳайдовчилар айби билан содир этилаётган бахтсиз ҳодисалар ортаётгани кузатилмоқда.

Йўлларда инсон ҳаёти, хавфсизлигини асраш – бизнинг бош мақсадимиз. Бу хайрли ишда биз бутун жамоатчиликка таяниб иш кўрамиз. Мамлакатимизда бошланган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

ЎзА мухбири
Беҳзод НОРБОЕВ ёзиб олди.

Шифокор маслаҳати

ЯНА ГРИПП ҲАҚИДА



Парранда гриппи хавфлими ёки чўчқа гриппими, деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: парранда гриппи 32 даража иссиқ ҳарорат – инсон нафас йўллари ҳароратида ўз фаоллигини йўқотади, шу боис парранда гриппи хавфсизроқ. Чўчқа гриппи эса ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлиб, ҳайвонларда, қушларда ҳамда одамларда касаллик чақиради. Касаллик чақирувчи вирус чатишган (гибрид) вирус бўлиб, ўзида парранда, чўчқа ва одам гриппи вирусларининг ирсий ахборотларини сақлайди.

Чўчқа гриппи вируси ташқи муҳит таъсирига ва зарарсизлантирувчи воситаларга нисбатан чидамли. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, ҳозирги кунда ушбу гибрид вирусга қарши одамларда ҳимоя қобилияти (иммунитети) ривожланмаган ва бу ҳолат дунё халқлари ўртасида пандемияга олиб келиши мумкин.

Касаллик хасталанган чўчқа ёки одамлардан ҳаво-томчи орқали, айрим ҳолларда эса маиший мулоқот йўли билан ҳам юқади. Айниқса, куз ва қиш фаслларида тез тарқалиш хусусиятига эга. Касаллик чўчқа гўштини истеъмол қилганда юқади, деган фикрлар асоссиз бўлиб, ушбу маҳсулотларга термик ишлов берилганда, вируслар тезда нобуд бўлади.

Ушбу хасталик юққандан сўнг, унинг белгилари пайдо бўлгунга қадар бўлган вақт, яъни яширин даври одамларда учрайдиган оддий грипп касаллигининг яширин давридан деярли фарқ қилмайди ва бир неча соатдан 3–7 кунгача бўлган муддатни ташкил этади. Бемор одамда тана ҳароратининг кўтарилиши, томоқ оғриши, йўтал, тумов, айрим ҳолларда эса бўғимларда оғриқ, кўнгил айниши ва қусиш аломатлари кузатилиши мумкин. Касаллик ёш болалар ва қарияларда нисбатан оғирроқ кечади. Чўчқа вируси келтириб чиқарган гриппнинг оддий грипп касаллигидан фарқи шундаки, унинг асоратлар билан ўтиши ва ўлим билан тугаши эҳтимоли юқори.

Беморни даволашда вирусга қарши таъсир этувчи тамифлю ва занамивир каби дорилар яхши самара беради. Олимлар мавсумий грипп касаллигига қарши эмлаш чўчқа гриппининг олдини олишда маълум бир даражада ижобий таъсирга эга, деб ҳисоблайдилар.

Организмнинг инфекцияга қарши курашувчанлигини ошириш мақсадида витамин ва оқсилларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш, пиёз, саримсоқ, цитрус мевалар, наъматак меваларидан тайёрланган дамламалар истеъмол қилиш лозим. Касаллик юқмаслиги учун жамоат жойларида докадан тикилган ниқоб ёки бир марталик респираторларни тақиш тавсия этилади.

Республикамиз ҳудудида ушбу хасталик билан касалланиш ҳолатлари кузатилмаган, лекин хорижий давлатлар билан иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши, юртдошларимизнинг саёҳат, спорт ва бошқа сабаблар билан хориж давлатларида бўлиши ёки чет эллик фуқароларнинг бизнинг давлатимизга келиши туфайли касаллик чақирувчи вирусининг республикамиз ҳудудига кириб келиш хавфи мавжуд. Ушбу муаммони ҳал этиш учун хорижий давлатларга хизмат сафарига ёки саёҳат қилиш мақсадида борувчи фуқароларимизнинг чўчқа гриппи ва ундан сақланиш йўллари тўғрисидаги билимларини ошириш зарур. Хориждан қайтаётган барча фуқароларни, шу жумладан, республикамизга кириб келаётган чет эл фуқароларини чегарани кесиб ўтиш жойлари ва халқаро аэропортлардаги санитария назорати пунктларида тиббий кўрикдан ўтказиш, 7 кун давомида доимий яшаш жойларида тиббий кузатувга олиш, хасталикнинг бошланғич клиник белгилари пайдо бўлганда эса зудлик билан махсус даволаш муассасаларига ётқизиш чоралари кўрилади.

Бемор уйда аниқланганда, у ётган хоналар, фойдаланган жиҳозлар, идиш-товоқлари 1 фоизли хлор эритмаси ёрдамида зарарсизлантирилади. Хонани тез-тез шамоллатиб туриш, идиш-товоқларни қайнатиш мақсадга мувофиқдир. Беморни парваришлаётганлар ҳамда тиббиёт ходимлари бир мартали ёки докали махсус ниқоб таққан ҳолда ишлашлари шарт.

Эпидемиологик жиҳатдан муҳим объектлар, шу жумладан, даволаш-профилактика муассасалари, жамоат транспортлари ва одамлар гавжум тўпланадиган ёпиқ биноларда зарарсизлантириш тадбирларини, фермалар, ёрдамчи хўжаликларда ветеринария назоратини кучайтириш талаб этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, нафақат «чўчқа гриппи», балки барча юқумли касалликларнинг олдини олишнинг энг самарали усули – бу шахсий ва жамоат гигиенаси қоидаларига қатъий амал қилиш, аҳоли ўртасида, қолаверса, ҳарбийларимиз ўртасида санитария тарғибот ишларини ташкил этишдан иборатдир.

Тиббий хизмат подполковниклари
Бахтиёр АҲМЕДОВ, Шуҳрат ДУСАНОВ.

АНЪАНА

СЎЗАНАМГА ҚАДАДИМ, ТУРФА ГУЛУ РАЙҲОННИ

Ўзбек миллий каштачилик мактаби халқ ҳунармандчилик санъатининг энг қадимий турларидан бири ҳисобланади. Тарихдан маълумки, қадимда илк бора каштачилик намуналари нафақат кийимларни, балки хонадонларни безовчи безак сифатида қўлланилган. Вақт ўтиб эса бу санъат тури миллий урф-одатларимизнинг ажралмас қисмига айланди. Қизлар учун кашта билан жило берилган буюмлар энг қимматли сеп бўлгани сабаб турмушга узатилаётган ҳар бир қиз иложи борича кўпроқ ва бошқаларникига ўхшамаган кашта тикиб, ўз сепини бойитишга ҳаракат қилган. Келин-куёв ўша даврнинг удумларига кўра, келин ўз қўли билан оқ матога кашталаб тиккан сўзаналар остида тўйхонага кириб келишган. Келиннинг меҳнатсеварлиги ва чеварлиги ифодаси бўлган бу буюмларда хотин-қизларнинг ички кечинмалари, ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топган бўлиб, улар аёлларнинг юксак бадиий дидидан далолат беради. Зеро, қандай ҳунар бўлмасин, уларнинг ҳар бирида аждодларимиз, момоларимизнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафалари мужассам.



Кашталардан таралаётган жилолар – бу ҳаёт нурларидир. Асрлар силсиласида бу нур, тароват, минглаб уста-шогирдлар маҳоратида сайқал топди. Жаннатмонанд юртимиз кўрки, халқимизга хос гўзалликни севиш, мукаммалликка интилиш, эзгулик улашиш кашта нақшларининг ҳар биридан ўрин олган. Шу боис ҳам бу санъат тури халқимизнинг беқиёс бойлиги. Бугун ушбу мактабнинг, ундан мерос бўлиб қолган уста-шогирд анъаналарини қадрлаб, каштадўзликни санъат даражасида улуғлаётган муносиб давомчилари бор. Улар ўз ишлари билан қадимий анъаналарни давом эттирибгина қолмай, каштачиликда янгилик яратиб унинг ривожи учун ҳисса қўшмоқдалар. Мазкур қўлигул ҳунармандлар томонидан тикилган ўзбек миллий либослари ҳамда кирпич, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб каби буюмлар айни пайтда кўплаб хорижий мамлакатлардаги амалий санъат музейларида доимий экспозицияга айланиб, ўзига хос гўзаллиги ва нафис безакларнинг ранг-баранглиги билан хорижликларни ҳам ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай эзгу ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган ҳунарманд қизларимиздан бири Мадина Қосимбоева ҳам чевар-каштадўз. Аслида ҳунар ўргатиш ҳам игна билан қудуқ қазишдек машаққатли меҳнат. Айни пайтда лавҳамиз қаҳрамони ушбу масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиб, юзлаб қизларга тикиш сирларидан сабоқ бериб келаётган қўлигул чеварлардан. Бугун Мадинахоннинг шогирдлари чеварлик касбини мукаммал эгаллаган моҳир тикувчилар қаторидан жой олган. Улар тиккан каштадўзлик буюмлари энг нозиктаъб аёлларнинг ҳам эътиборини тортади. Шогирдларининг тиккан кийим-кечакларини, уларнинг иш услубини кузатиб туриб устознинг ҳам кўкси осмон қадар юксалади. Зеро, устоз учун шогирдлар камолидан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Қаҳрамонимиз болалигидан чеварликка меҳр қўйиб улғайди. Эсини танигандан бувисининг тиззасида дўппи тикиб ёки бўлмаса, қўлига игна-ип олиб бирор матога кашта тикиб ўтирганини кўп бора кўрган. У бувисининг ёнида соатлаб ўтириб, оддий матодан гўзал ва бежирим санъат асари яратаётган бу қўлларнинг чаққон ҳаракатларини диққат билан кузатар, назарида бувиси унга эртаклардаги сеҳргарлардек туюларди. Чунки оддийгина сурп ва лас матолари бувисининг меҳнати билан бетакрор тасвирлар акс эттирилган дўппи, қийиқ, сочиқ, ёстиқ жилдларига айланарди. Бу эса ёш Мадинанинг қалбида тикувчилик касбига кучли меҳр уйғотгани рост.

– Тикувчилик, каштачилик қўл меҳнатига асосланган энг мураккаб санъат турига киради. Шу боисдан ҳам чевар биринчи навбатда сабр-тоқатли, чинакам ижодкор бўлиши, шу билан бирга гўзалликни теран хис қилиши шарти. У кашта билан безак берилаётган матонинг сифати, рангига қараб янги компазицион усулдаги кашта нақшларини илғай олиши керак бўлади. Бунда эса кашта тикиладиган иплар ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур. Чунки асосан ипак ипларда тикилган кашта ҳам жозибадор ва чиройлидир. Ана шунда уларга қараб ўз меҳнатингнинг самарасини кўрасан. Ёдингда тутгин, чеварга биринчи баҳо у тиккан чокларга қараб берилади. Шундай экан, ҳеч бир ишни қўл учида қилмагин, – дерди ҳар гал унга бувиси.

Кейинчалик унда зардўзликка қизиқиш ортди. Биринчи ишини мато бўлакларидан турли уй-рўзғор буюмларини тикишдан бошлаган қаҳрамонимиз, мактабни тамомлаб Камолиддин Беҳзод номидаги рассомлик билим юртига ўқишга кирди. Бу даргоҳда икки йил таҳсил олиш билан бирга билим юрти қошида очилган «Либос» эстетик марказида малакали устозлардан бадиий каштачилик санъатини ҳам қунт билан эгаллади. Шу йиллар давомида Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказида зардўзлик курси раҳбари сифатида ҳам фаолият олиб борди. Бу Мадинанинг устоз-чевар сифатида бошлаган илк фаолияти эди. Маълумки, тикувчи, зардўз, каштадўз учун амалиёт катта мактаб вазифасини ўтайди. Яъни маҳорати янада сайқалланади. Энг асосийси, етук чевар даражасига етишади. Мадинахон ҳам курсда таҳсил олаётган қизларга ҳунар ўргатиш баробарида ўзи ҳам малакасини оширди, билмаганларини ўрганди. Зардўзлик санъатида нақш борасида мутлақо янги, ўзига хос янгилик яратишга ҳаракат қилди. Чунки у иш жараёнида, меҳнат фаолиятида доимо янгиликка интилади. Шу боисдан ҳам уларни тамоша қилган кишиларда ҳайрат ва гўзалликдан завқланиш ҳиссини уйғотса, не ажаб.

– Биринчи устозим бувижоним бўлади, – дейди биз билан суҳбатда у. – Бувимнинг тиккан дўппиларига қараб жуда ҳавасим келарди. Ана шу ҳавасим кучли хоҳиш-истакка айланиб ушбу ҳунарни мукаммалроқ ўрганишга ҳаракат қилганман. Мана кўп йиллардан бери шу ҳунаримни давом эттириб, кўплаб иштиёқманд қизларга, жиянларимга ҳам ўргатиб келаяпман. Мақсадим – қизларимизни ҳунарли қилиш. Чунки ҳунарли қиз оиланинг кўрки дейишади. Бугун оз бўлса-да мақсадимга эришаётган бўлсам, мен ўзимни бахтли деб биламан.

Ўтган йиллар давомида шахсий кўргазмамни ҳам намойиш этдим. Унда йигирмадан ошиқ сўзаналар билан бирга каштали кўйлак, нимча ва оёқ кийимлар коллекциялари ҳам намойиш этилди. Мени қувонтиргани биз яратган кийим-кечак ва буюмларимиз жуда кўп танловларда муносиб баҳоланди. Яъни 2008 йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» томонидан ўтказилган «Стайл Уз» кўрик танловида «Энг яхши этнографик коллекция» номинацияси ҳамда шу йили Россиянинг Ўзбекистонда ўтказилган халқаро ёш дизайнер ва модельерларнинг «Подиум-2008» танловида «Фольк» йўналиши бўйича биринчи ўринларни қўлга киритдим. «Базар-арт» ярмаркасида «Анъанавий тўқимачилик ва миллий либос санъати» йўналиши бўйича диплом билан тақдирландим. 2009 йилда эса Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган «АРТ ВЕЕК- 2009»да коллекциям намойиш этилди ва томошабинлар томонидан илиқ қарши олинди. Бу эса менинг ижодимга, меҳнатимга берилган юксак баҳо деб ўйлайман.

Мадина Қосимбоева ҳозирда Республика тадбиркор аёллар уюшмаси қошида ташкил қилинган курсда каттаю кичикка устозлик қилиб каштадўзлик сирларидан сабоқ бериб келаяпти. Унинг шогирдлари орасида ёш қизлар билан биргаликда ўрта ёш аёлларнинг борлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Доно Раҳимова ана шулар жумласидан. Каштадўзликка кучли меҳр қўйган бу аёл мана ўн икки йилдирки, Мадинахонга шогирд сифатида тенгма-тенг меҳнат қилаяпти.

– Каштадўзлик курсига келганимда оддий кашта усулини ҳам тикишни билмасдим, – дейди биз билан суҳбатда Д. Раҳимова. –Мадинахонни ўзимга устоз деб билиб, билмаганларимни ўргандим. Қизларим ҳам ўрганишди. Босқичма-босқич ўтилган машғулотларда дастлаб чоклар тикишни ўрганган бўлсам, кейинчалик сўзанага ипак ипда кашта тикиш усулларини ҳам ўзлаштирдим. Мен ўтган вақт мобайнида шунга амин бўлдимки, агар инсон астойдил интилса, албатта ҳар қандай қийин ишнинг уддасидан чиқади. Мен бу сўзларни ўзимга қиёс қилиб айтаяпман. Ҳозир ўзим мустақил равишда бемалол сўзана, сочиқ, кашта дўппиларни тика оламан. Фурсатдан фойдаланиб, Мадинахонга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳа, ўзгаларга яхшилик соғинадиганларнинг ҳаёт йўллари ҳам ёруғ бўлади, дейишади. Аслида бир инсонга ҳунар ўргатишнинг ўзи яхшилик ва эзгуликларнинг энг аълосидир. Шундай экан, биз ўз санъати, ҳунари орқали теварак-атрофдаги инсонларга эзгулик улашаётган Мадинахоннинг бундан кейинги ишларига ҳам юксак муваффақиятлар тилаб қоламиз. Зеро, халқимизнинг асрлар бўйи қад кўтариб турган осмонўпар тарихий обидалари каби, бу санъат асарлари ҳам асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб инсонлар ҳайратига ҳайрат қўшиб келаверади.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

«ШИРИНЛИКЛАР – ҚУВОНЧ БЕЛГИСИ...»

Ширинликни хуш кўрмайдиган, уларга бефарқ бўлган киши топилмаса керак, орамизда. Айниқса Шарқ мамлакатларида қадим-қадимдан ширинлик дастурхон безаги, хуш кайфият улашувчи таом ҳисобланган. Шу жумладан, ширинлик ўзбегим дастурхонининг ажралмас бир бўлагидир.

Қадимий анъаналаримизга кўра, Ўзбекистонда ҳар қандай меҳмондорчилик бир пиёла хушбўй чой ва турли тансиқ ширинликлар билан бошланади. Меҳмондўст бека дастурхонга ҳар хил миллий ширинликларни тортар экан, у меҳмонларнинг суҳбати булар билан янада ёқимли бўлишига умид қилади. «Бир пиёла чой устида ширин суҳбат қурайлик», деган ибораниг тез-тез ишлатиб турилиши ҳам бежиз эмас.

Ўзбек ширинликлари тарихи узоқ асрларга бориб тақалади, шунингдек, уларда қадимий Шарқ заковати мужассам топган. Ҳозирда кишиларни турли-туман ширинликлар билан лол қолдириш мушкул, аммо қадимда улар олтинга тенг баҳоланган. Европада Шарқдан келтирилган ширинликлар фақат бадавлат хонадонларда тортилган, уларга қандайдир сеҳрга эга неъмат сифатида қаралган. Дастлаб бундай тансиқликларни тайёрлаш билан доришунос ва табиблар шуғулланган. Улар ўзлари тайёрлаган дориларнинг аччиқлигини ёқимли ва ширин таъм билан қоплашга ҳаракат қилишган. Қандолатчи касби доимо халқ орасида шарафланган, у ўзига хос касб бўлгани учун ҳозирда ҳам юртимизда ҳурмат ва эътиборга сазовор. Ширинликларни тайёрлашда ўзига хос печлар ва асбоблардан фойдаланилади, бу эса махсус, мураккаб кўникма ва маҳоратни талаб қилади. Миллий ширинликларимизни тайёрлашда асал, майиз, ёнғоқ, турли мевалар, кунжут ва зираворлардан кенг фойдаланилади. Шунинг учун ҳам улар ўз такрорланмас таъми ва иштаҳа қўзғатувчи ташқи кўринишини узоқ вақт йўқотмайди. Қадимдан узоқ йўлга отланган мусофирлар албатта, ўзлари билан нон ва ширинликлар олишган, чунки бу неъматлар сарф этилган кучни тиклашда ёрдам берган.

Маълумки, пазандачилик халқ амалий санъатининг ажралмас бир бўлаги бўлиб, унинг илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади. Кўп асрлик тарихи мобайнида миллий ошхонамиз кўплаб ўзига хос таомлар ва ширинликлар тайёрлаш усулини яратди ва тўплади. Одатда, ширинлик сифатида ўзбек бекалари дастурхонга сархил мевалардан тайёрланган мураббо, новвот, асал, ҳолва ва қуруқ мевалларни тортишади. Бунда довутча, майда помидор ёки тарвуз пўчоғидан тайёрланган мураббо ҳар қандай меҳмонни лол қолдириши мумкин. Турли бекмеслар, яъни қовун, тарвуз, тут ва узумдан тайёрланган қуюқ шиннига ўхшаш бойитилган мева шарбатлари ҳам севиб истеъмол қилинади. Ўзбек ширинликлари орасида ҳолва алоҳида ўрин эгаллаб, уни тайёрлашнинг элликдан ортиқ усули мавжуд. Ҳолва одатда писта, кунжут ва ер ёнғоқ билан безатилади. Оғизда эриб кетувчи ва ҳақиқий лаззат бахш этувчи машҳур Бухоро, Тошкент, Қўқон ҳолвалари катта шуҳрат қозонган. Ширинликка ўч одамлар орасида айниқса, ўзининг хушбўй ҳидини совуқ қиш кунларида ҳам йўқотмайдиган, қуёш нурлари остида ўзига хос усулда қуритилган ва келаси ҳосилгача куч сақлашга ёрдам берадиган майиз, туршак, баргак, анжир, олхўри, қовун қоқилари севиб тановвул қилинади. Ва, албатта, ўзбек дастурхонини ўзига хос кичик оқ «ёстиқчалар» – анъанавий парварда ҳамда қаҳрабо сифат ширин новвотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ширинликлар ҳам кўплаб фойдали ва тенгсиз хусусиятларга эга. Гулқанд деб ном олган ширинлик эса нафақат ўзининг беқиёс таъми, балки тайёрланиш сири билан ҳам кишини лол қолдиради. Гулқанд – туйилган атиргул барги ва шакардан тайёрланадиган ширинлик. Уни тайёрлаш учун очилган қизил атиргуллар териб олинади, ўғирда туйиб, шакар аралаштирилади, идишга солиниб, офтобга қўйилади. Офтобда узоқ туриб, шакар эзилган гулбаргларига сингади ва гулқанд ҳосил бўлади. У бедармонлик, камқонлик, йўтал каби касалликларга даво сифатида истеъмол қилинади. Худди қордек оппоқ ва енгил нишолда эса кўп йиллик етмак ўсимлигининг илдизидан тайёрланади. Ёзнинг жазирама кунларида янтоқдан ажралиб чиқадиган шарбатни тўплаб тайёрланадиган янтоқ қиёмни айтмайсизми! Ўзбек қандолатчиларининг бой фантазияси, маҳорати ва ижодининг чеки йўқлигига таҳсинлар айтгингиз келади!

Заминимизда ширинликларга ҳар доим ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Анъаналаримизга бир эътибор беринг-а! Фотиҳа тўйидан сўнг барча қўни-қўшни, таниш-билишларга албатта ҳолва ва майиз тарқатилади. Келин биринчи марта уйга кириб келганида ёки янги туғилган чақалоқ билан уйига қайтганида уларнинг бошидан ширинликлар сочилади, бу эса уларнинг ҳаёти ширин ва бахтли бўлиши истагини билдиради. Ўзбек хонадонида бўлган меҳмонни эса нафис ва беқиёс таъмини тотиб кўриб, Шарқнинг машҳур «Минг бир кеча» эртаги ҳақиқатга айланганини ҳис қилиши учун албатта ширинликлар билан кузатадилар.

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.



СПОРТ

Оммавий спорт ишлари кўриги ғолиблари

УЧ БОРА ЗАБТ ЭТИЛГАН ДОВОН

Республикамизда спортни ривожлантириш, ёшларимиз орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг қанчадан-қанча спортчилари нуфузли спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон довруғини оламга ёйишмоқда. Бундай спортчилар орасида ҳарбийларимизнинг борлиги эса, янада қувонарлидир.

Армия сафларида хизмат қилаётган посбонларнинг маҳоратини оширишда, жисмоний чиниқтиришда, улар ўртасида соғлом муҳитни яратишда спортнинг ўрни ниҳоятда катта. Шу боис Қуролли Кучларимизда спортга, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлигига катта эътибор берилиб, қисм ва бўлинмаларда замонавий тренажёр заллари, спорт шаҳарчалари ва мажмуалари бунёд этилган. Маълумки, посбон жисмонан бақувват бўлса, унинг жанговар шайлиги ҳам юқори бўлади. Мақсад эса миллий армиямизда ҳар томонлама чиниққан, тобланган баркамол авлодни тарбиялашдан иборат.

Мудофаа вазирининг тегишли буйруғига биноан ҳар йили ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, олий ҳарбий билим юртларида оммавий спорт ишлари кўриги ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам 17-оммавий спорт ишлари кўриги кўтаринки руҳда ўтказилди. Жамоада жипслик, спортга бўлган иштиёқ, курсантларнинг жисмонан шаклланишлари учун яратилган шарт-шароитлар уларни ғолиблик сари етаклади. Кўрикнинг якуний натижаларига кўра, мазкур билим юрти Қуролли Кучлар миқёсида олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида фахрли 1-ўринга сазовор бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу билим юрти жамоаси уч йилдан буён ғолибликни қўлдан бермай келмоқда.

Ғолиблар жорий йилда ўтказилган мусобақаларда янада салмоқли ютуқларга эришдилар. Жумладан, январь ойида Қуролли Кучлар миқёсида ўтказилган тош кўтариш мусобақасида курсантлар – Азим Тўраев (70 кг.), Баҳром Ҳамидхонов (80 кг.), Хурсанд Тангриберганов (65 кг.), Санжар Ўтаев (90 кг.) ўз вазн тоифаси бўйича баҳсларда ғолибликка эришган бўлишса, умумжамоа ҳисобида ҳам мазкур билим юрти 1-ўринга лойиқ деб топилди. Февраль ойида Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий билим юртлари курсантлари ўртасида ўтказилган Қишки олимпиада ўйинларида ҳам 1-ўринни қўлга киритиб, унда биатлон, отиш, комбинациялаштирилган эстафета, харита билан ишлаш каби спорт турлари бўйича энг юқори натижани қайд этишди. Бунда курсантлар Юрий Навичков, Марат Баширов, Иброҳим Ҳамдамов, Феруз Баҳронов жисмоний етуклиги билан барчага ўрнак бўлди.

– Замонавий спорт зали ва шаҳарчада шуғулланиб, жисмонан чиниқаяпмиз, – дейди курсант Санжар Ўтаев. – Ёшлигимдан спортнинг тош кўтариш турига қизиқардим. Устозларимдан бу спорт турининг сир-асрорларини мукаммал эгаллашга интилдим. Самараси ёмон бўлгани йўқ. Бир неча бор вилоят ва шаҳар мусобақаларида қатнашиб, яхши натижаларга эришдим. Армияда ҳам спорт билан шуғулланганим жуда асқотмоқда. Тош кўтариш бўйича машғулотларни бу ерда ҳам давом эттираяпман. Бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли. Жорий йилда ўтказилган оммавий спорт ишлари кўригида ҳам фаол иштирок этиб, югуриш, турникда тортилиш ва чаққонлик машқларида юқори натижага эришдим. Шунингдек, ўтказилаётган турли спорт мусобақалари ҳам биз курсантларнинг бақувват, кучли, ғайратли ва жисмонан соғлом бўлишимизда катта аҳамиятга эга, деб биламан.

Қишки олимпиадада эришган муваффақиятларидан руҳланган курсантлар ёзги олимпиада мусобақаларини ҳам кўтаринки руҳда ўтказишди ҳамда яна бир бор ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. Бунда курсантлар – Бобур Жуманиёзов (бокс), Феруз Саидов (сузиш), Марат Баширов (отиш, 95 балл), Азиз Ҳусаинов (сузиш) мутлақ ғолибликка эришиб, билим юртлари шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тош кўтариш бўйича биринчи Ўзбекистон очиқ чемпионатида иштирок этган курсантлар – Ҳожиакбар Ҳамдамов ва Дилмурод Мирзалиев ўз вазн тоифаларида энг юқори натижани қайд этишиб, армиямизда йилдан-йилга маҳоратли ҳарбий спортчилар сафи кенгайиб бораётганини исботлашди.

17-оммавий спорт ишлари кўригининг 1км.га ва 100 метрга югуриш, турникда тортилиш ҳамда махсус машқларни бажариш баҳсларида ҳам курсантлар муваффақиятли қатнашдилар.

– Юксак натижаларга эришишимизда доимий тарзда ўтказиб келинаётган жисмоний тайёргарлик машғулотлари, мусобақалар катта ёрдам берди. Курсантларимиз доимий тарзда Қуролли Кучлар миқёсида ўтказиб келинаётган нуфузли мусобақаларда қатнашиб, кучли рақиблар билан куч синашиб, жисмоний жиҳатдан чиниқишмоқда. Мақсадимиз жорий йилда ҳам илғорликни қўлдан бермай, уюшқоқлик ва жипсликда ҳаракат қилиб, кубокни учинчи бор яна ўзимизда сақлаб қолиш эди ва бунга эришдик, – дейди билим юрти жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси бошлиғи офицер Ҳусан Қўчқоров.


Дарҳақиқат, билим юрти шахсий таркиби 17-оммавий спорт ишлари кўригида фаол иштирок этишиб, олдиларига қўйган мақсадларига эришдилар. Билим юрти умумий ҳисобда 322,1 балл тўплаб, учинчи бор олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида 1-ўринга сазовор бўлишди.

Мазкур кўрикда офицерлар – Алимурод Сайитқулов, Бобур Каримов, Мансур Ибодуллаев (3200 балл), Гулмирза Шомуродов (2800 балл), кичик сержант Собир Саидов (3000 балл), курсант Фаррух Аҳмедов (3200балл) юқори кўрсаткичларга эришиб, илғорлар ичра илғор эканликларини намойиш этишди.

Ҳа, спорт – соғлиқ гарови. Соғлом посбон соғлом фикрлайди, машғулотларни аъло даражада ўзлаштиради. Шунинг учун ҳар томонлама баркамол ёш авлодни, юксак тайёргарликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Оммавий спорт ишлари кўриги баҳслари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.











СПОРТ

Дзюдо

ПОЛВОНЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида дзюдо бўйича жаҳон кубогининг навбатдаги босқич баҳслари якунлангандан сўнг Халқаро дзюдо федерацияси (ХДФ) дунёнинг кучли полвонлари рейтингини эълон қилди. Марказий ҳарбий спорт клуби вакили лейтенант Ришод Собиров мазкур рейтинг таснифида 60 кг. вазнлилар тоифасида олтинчи ўринни эгаллаб турибди.



Сувон шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогининг 11-босқич баҳсларида ҳамюртларимиздан фақат Мирзоҳид Фармонов муваффақиятли қатнашиб, совриндорлар сафидан ўрин олди. 66 килограмм вазн тоифасида баҳсларга киришган дзюдочимиз финалга қадар рақиблари устидан ишончли ғалабага эришди. Финалда эса мезбонлар вакили Жун Хо Чога қарама-қарши келди. Мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши Мирзоҳиднинг рақибига қўшимча куч бағишлади ва у юртдошимизни жаҳон кубоги беллашувларининг кумуш медали билан кифояланишга мажбур этди. Шуни таъкидлаш жоизки, мезбонлар 14 вазн тоифаси бўйича беллашувларнинг 8 тасида ғолиб чиқишди. Ўз уйингда деворлар ҳам суяйди, деб шунга айтишади-да. Японияликлар 3 марта, мўғилистонликлар 2 марта шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилишди. Хотин-қизлар ўртасидаги 70 кг. вазнлилар беллашувларининг финалига швейцариялик Жулиан Робра ва франциялик Мари Паскенинг чиқиши Европа қитъаси вакиллари жаҳон кубогининг бу босқичидан олтин медалсиз уйларига қайтишига чек қўйди. Беллашувда швейцариялик хоним ғалаба қозонди.

Жаҳон кубогининг 11-босқич баҳслари поёнига етгач, ХДФ 2009 йил якунлари бўйича дунёнинг кучли дзюдочилари рейтингини эълон қилди. Уч нафар вакилимиз мазкур тасниф рўйхатида кучли ўнликлар сафидан жой олган. Мутлақ вазнлилар рейтингида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев иккинчи поғонани эгаллаб турибди. У 2009 йилги мусобақалар якунига кўра 700 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Биринчи ўринда бораётган франциялик Тедди Ринеру ҳисобида 800, учинчи ўринда қайд этилган россиялик Александр Михайлин ҳисобида 556 рейтинг очкоси бор. Пекин Олимпиадасининг бронза медали соҳиби лейтенант Ришод Собиров август ойи якунларига кўра 392 очко билан 60 кг. вазнлилар рейтинг рўйхатини бошқариб бораётган эди. Дзюдочимиз кейинги ярим йилликдаги халқаро мусобақаларда яхши натижаларга эришмади ва у йил якунларига кўра 472 рейтинг очкоси билан олтинчи поғонага шўнғиди. 90 кг. вазнли полвонимиз Дилшод Чориев эса 568 рейтинг очкоси билан 5-поғонани банд этган.

Эслатиб ўтамиз, «Лондон–2012»га йўлланма олиш, навбатдаги турнир ва Олимпиада ўйинларида дзюдочиларнинг рақибларини аниқлашда мазкур рейтинг таснифи инобатга олинади. Шу боис ҳам дзюдочилар ўз вазн тоифаси бўйича рейтинг таснифида кучли элликликлар сафида бўлишга ҳаракат қилишади. Йил якунлари бўйича рейтингда қуйидаги спортчиларимиз ана шу кучли элликликлар сафидан жой олган: Шокир Мўминов (81 кг.) – 23-ўрин, Шерали Пўлатов (100 кг.) – 37-ўрин, Мирали Шарипов (66 кг.) – 41-ўрин, Габит Есимбетов (60 кг.) – 42-ўрин, Рамзиддин Саидов (90 кг.) – 44-ўрин.

«Лондон-2012»га қадар бу рўйхатдагилар сафи кенгайишига, дзюдочиларимиз халқаро даражадаги мавқеларини янада мустаҳкамлашига ишонамиз.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Футбол

ҚУРЪА РАҚИБЛАРНИ АНИҚЛАДИ

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) бош қароргоҳида 2010 йилги Осиё чемпионлар лигаси баҳсларига қуръа ташланди. Мамлакатимиз чемпиони «Бунёдкор» ва Ўзбекистон кубоги соҳиби «Пахтакор» жамоаларининг гуруҳ баҳсларидаги рақиблари аниқ бўлди.

Клубларимиз гуруҳ ўйинларини қитъанинг ғарбий мамлакатлари, яъни Эрон, Саудия Арабистони, БАА ва Қатар жамоаларига қарши ўтказиши олдиндан маълум эди. Қуръа бу мамлакатларнинг айнан қайси жамоаларига, қачон ва қаерда баҳслашиш масаласига ойдинлик киритди.

Қуръага кўра «Бунёдкор» Осиё чемпионлар лигасининг «В» гуруҳидан ўрин олди. Ҳозирча жамоамизнинг икки рақиби аниқ, бу Эрониннинг «Зобаҳан» ва Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» клубларидир. «Бунёдкор»нинг учинчи рақиби, яъни гуруҳнинг тўртинчи вакили ғарбий минтақа жамоалари ўртасидаги саралаш босқич плей-офф учрашувларидан сўнг аниқланади. Бу «Ал-Карама» (Сурия), «Ал-Ваҳда» (БАА) ва «Черчилл Бразерс» (Ҳиндистон) жамоаларидан бири бўлиши мумкин. Аввалига «Ал-Карама» ва «Ал-Ваҳда» жамоалари ўзаро куч синашишади, ғолиб эса гуруҳ баҳсларига йўлланма олиш учун «Черчилл Бразерс»га қарши яна бир бор майдонга чиқишига тўғри келади.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса Осиё чемпионлар лигасининг «С» гуруҳидан ўрин олди. Жамоамиз «Ал-Айн» (БАА), «Сепаҳон» (Эрон), «Ал-Шабаб» (Саудия Арабистони) клубларига қарши майдонга чиқади.

Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ ўйинларига 23 февраль куни старт берилади. «Бунёдкор» биринчи учрашувни ўз майдонида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» клубига қарши ўтказади. «Пахтакор» эса аксинча, баҳсларга сафар ўйини билан киришади, яъни Бирлашган Араб Амирликларида «Ал-Айн» меҳмони бўлади. Гуруҳ ўйинларининг сўнгги учрашувлари 27-28 апрель кунлари ўтказилади.



Куала-Лумпур шаҳрида ОФК кубоги баҳслари учун ҳам қуръа ташланди. Мазкур турнирда Қаршининг «Насаф» клуби жамоаси юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилади. Жамоамиз баҳсларни саралаш босқич плей-офф учрашувларидан бошлашади. Агар ФИФА томонидан Ироқ футбол федерациясига жорий этилган дисквалификация 2010 йил 3 январда бекор қилинмаса, жамоамиз ОФК кубоги баҳсларининг гуруҳ ўйинларига тўғридан-тўғри киришади.

Р. ЭРМУҲАММАД.

ҚАЙДНОМА

БОКС. Олий ўқув юртлари ва спорт клублари вакиллари ўртасида мамлакатимиз Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган мусобақа ўтказилди. Спорт байрамида Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ҳам иштирок этди. Ринг жангларини муваффақиятли ўтказган Д. Фофуров ва М. Худоёров совриндорлар сафидан ўрин олишди.

УНИВЕРСАЛ ЖАНГ. Прагада ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Алишер Абдуллаев барча рақибларини мағлуб этиб, тўртинчи марта жаҳон чемпиони бўлди. Яна бир вакилимиз – Жалол Омонов эса илк марта дунё биринчилигининг олтин медалини қўлга киритди. Спортчиларимиздан Нуриддин Долимов кумуш, Ортиқбой Полвонов бронза медалга сазовор бўлди. Жаҳон чемпионатининг 4 та медалига эгалик қилган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида россияликлардан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

САМБО, ДЗЮДО. Словакияда ўтказилган халқаро турнирда полвонлар спортнинг икки тури – самбо ва дзюдо бўйича ўзаро беллашдилар. Ҳамюртларимиз мазкур турнирнинг саккизта медалини қўлга киритишди. Суҳроб Раҳимбеков, Ислом Абдулҳаев, Евгений Туропов иккитадан олтин медаллик бўлишди, яъни улар самбо беллашувларида ҳам, дзюдо баҳсларида ҳам барча рақибларини мағлуб этиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилишди. Ёш спортчимиз Владимир Хегай эса самбо бўйича олтин, дзюдо баҳсларида кумуш медални қўлга киритди.

МИНИ-ФУТБОЛ. Пойтахтимизда бир ҳафта мобайнида ФИФА йўриқчиси Пери Гутьер бошчилигида мини-футбол ҳакамларининг халқаро семинари ўтказилди. Амалий ва назарий машғулотларда қатнашган 20 нафар юртимиз мини-футбол ҳакамлари зарурий меъёрларни муваффақиятли топширишди. Семинар якунида уларга махсус сертификатлар берилди. Энди улар мамлакат чемпионатидан ташқари халқаро турнирларда ҳам ҳакамлик қилиши мумкин.

СУВ СПОРТИ. Сувга сакраш бўйича Малайзия очиқ чемпионатида юртимиз терма жамоаси аъзолари ҳам иштирок этди. Спортчиларимиздан Анастасия Хоменкова очиқ биринчиликнинг иккита, Кристина Амирасланова битта олтин медалини қўлга киритди. Яна бир ҳамюртимиз Дарья Каширская эса сувга сакрашнинг икки тури бўйича баҳсларида қатнашиб, ҳар иккисида ҳам бронза медалга сазовор бўлди.

ТЕННИС. Норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган Дэвис Кубоги баҳслари Испания терма жамоасининг ғолиблиги билан якунлангандан сўнг халқаро теннис федерацияси терма жамоаларнинг рейтингини эълон қилди. Унда испанияликлар яққол пешқадамлик қилаяпти, АҚШ, Россия ва Чехия терма жамоалари кейинги ўринларда бормоқда. Бу йилги мусобақаларда анча муваффақиятли қатнашган терма жамоамиз дунё рейтингида 21-поғонада қайд этилган. Бу Осиё қитъаси бўйича Ҳиндистон (11-ўрин) ва Жанубий Кореядан (19-ўрин) сўнг учинчи ўрин демакдир.

ФУТБОЛ. Жанубий Африка Республикасининг (ЖАР) Кейптаун шаҳрида навбатдаги жаҳон чемпионатининг финал босқич баҳсларига қуръа ташланди. Унга кўра 32 терма жамоа саккиз гуруҳга тақсимланди. «А» гуруҳида ЖАР, Мексика, Уругвай, Франция, «В» гуруҳида Аргентина, Нигерия, Жанубий Корея, Греция, «С» гуруҳида Англия, АҚШ, Жазоир, Словения, «Д» гуруҳида Германия, Австралия, Сербия, Гана, «Е» гуруҳида Нидерландия, Дания, Япония, Камерун, «F» гуруҳида Италия, Парагвай, Янги Зеландия, Словакия, «G» гуруҳида Бразилия, КХДР, Кот-д'Ивуар, Португалия, «Н» гуруҳида Испания, Швейцария, Гондурас, Чили терма жамоалари ўзаро куч синашишади. Ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоа плей-офф босқичига йўлланмани қўлга киритади. Баҳслар 11 июлга қадар давом этади. Жаҳон чемпионатининг очилиш маросими Йоханнесбург шаҳри ўйингоҳида 11 июнь куни ўтказилади ва шу куни мезбонлар Мексика терма жамоасига қарши майдонга чиқишади.

КИКБОКСИНГ. Истамбулда кикбоксинг бўйича Евроосиё Гран-Приси ўтказилди. «Ringmasters Olympia Eurasian Grand Prix 2009»нинг асосий қаҳрамонлари кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Шерзод Сулаймонов ва россиялик Виталий Шеметов бўлишди. Бу учрашувда, афсуски, спортчимиз рақибига имкониятни бой бериб қўйди.

КАРАТЭ. Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Унда қитъанинг 15 мамлакати спортчилари иштирок этди. Вакилларимиз халқаро турнирнинг 3 та олтин, 2 та бронза медалини қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида терма жамоамиз бешинчи ўринни эгаллади.

МАДАНИЯТ

2010 йил – Баркамол авлод йили

ОНАЛАР КУЙЛАГАНДА

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Оналар куйлаганда» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган жамоалар иштирок этди.

Танловнинг очилишида таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий фазилатларимизга ёт ғоялар, «оммавий маданият» таъсиридан асраб-авайлаш, маҳаллалар, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Турли ижодий кўрик-танловлар, ижтимоий лойиҳалар, мулоқот ва анжуманлар шулар жумласидандир.

Маълумки, ёш авлодни юксак маънавиятли, етук ва баркамол шахс этиб тарбиялашда, уларнинг қалби ва онгига миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром ғояларини сингдиришда халқ оғзаки ижодининг ёрқин намунаси – алланинг ўрни ва аҳамияти катта. «Оналар куйлаганда» республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, қадрлаш, янада бойитиш, маънавий меросимизни тарғиб ва ташвиқ қилиш, ёшларни эзгуликка даъват этиш, оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштиришдан иборатдир.

Ёши ва касбидан қатъи назар, юртимизнинг барча оналари иштирок этиш имконига эга бўлган ушбу танловда қатнашчилар алла, лапар, айтишув, ёр-ёр каби халқ оғзаки ижоди намуналарини ижро этдилар.


Биринчи ўринга Хоразм ва Бухоро вилоятлари жамоалари, олий ўринга Тошкент шаҳри вакиллари лойиқ топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 18 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни тантанали нишонлаш дастурига мувофиқ Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройи кўргазмалар залида 2010 йил 14 январь арафасида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар фахрийлари ҳамда Мудофаа вазирлигига қарашли мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ўқитувчи-мураббийлари ва ўқувчи-тарбияланувчилари иштирокида анъанавий Х Умумармия бадиий ижодиёт кўргазмаси очилади ва ўтказилади.

Бадиий ижодиёт кўргазмасида қатнашиш учун тасвирий санъат асарлари (мавзули ва жанрга оид), портретлар, манзаралар, натюрмортлар, расмлар, графика, халқ амалий буюмлари, сополдан ясалган буюмлар (керамика), ёғоч, ганч, металл нақш ўймакорлиги, тўқимачилик, бадиий каштачилик, заргарлик ва зардўзлик буюмлари тақдим этилиши мумкин.

Кўргазма ғолиблари ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилади.



КОМАНДИРЛАР, УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ижодий ишлар муаллифлар ҳақидаги маълумотлар билан биргаликда 2010 йилнинг 5 январигача Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройига юборилиши лозим.

Обуна–2010

«ВАТАНПАРВАР» — БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий мерослари, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи — 114.



ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. УСМОНОВ.
Шу сонга масъуллар: капитан Ё. ҲАКИМОВ, В. КАЛОШИН.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. Адади 23500.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № J-86-40.